

643
K 55

КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАЛАБЛАР ВА ТАВСИЯЛАР



1mq

3

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**

**КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ
БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАЛАБЛАР ВА
ТАВСИЯЛАР**

*Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат
ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва
мутахассислари учун*

212734



**„O'QITUVCHI“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ — 2012**

УДК: 004(075)
ББК: 32.973-018.2
К64

32.973-018.2
К64

Компьютер техникасидан самарали фойдаланиш бўйича услубий талаблар ва тавсиялар: Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва мутахассислари учун / З. М. Раҳматуллаев [ва бошқ.] — Т.: „O'qituvchi“ НМИУ, 2012.—184 б.

1. Раҳматуллаев, З. М.

ISBN 978-9943-02-380-2

УДК: 004(075)
ББК: 32.973-018.2

**Зафар Муҳаммаджонович Раҳматуллаев,
Хислат Пўлатович Ҳасанов,
Зоҳириддин Абдугаппарович Муталов**

**КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ
БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАЛАБЛАР ВА ТАВСИЯЛАР**

*„O'qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2012*

Мухаррир *Л. Жўраев*
Техник муҳаррир *Т. Грешникова*
Мусахҳиҳ *М. Иброҳимова*
Бадий муҳаррир *Г. Шоабдурахимова*
Компьютерда саҳифаловчи *Л. Жўраев*

Нашриёт лицензияси АИ №161. 14.08.2009. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 26. 01. 2012. Бичими 60x90 $\frac{1}{16}$. Кегли 11 шпонли. „Таймс“ гарн. Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози. Босма т. 11,5. Шартли б. т. 11,5. Нашр т. 9,82. 5000 нусхада босилди. Буюртма №9-12.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O'qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30-уй.// Тошкент, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.
Шартнома № 07—96—11.

ISBN 978-9943-02-380-2

© „O'qituvchi“ НМИУ, 2012

1. Қўлланиш соҳаси

Ушбу «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва мутахассислари учун компьютер техникасидан самарали фойдаланиш бўйича услубий талаблар ва тавсиялар» (бундан кейин — услубий талаблар ва тавсиялар) локал ҳисоблаш тармоқлари ва турли ахборот тизимлари билан ишлаш бўйича тавсиялар ва талаблардан иборат бўлиб, унда компьютерларда жойлаштирилган ахборотларни муҳофаза қилиш усуллари ёритиб берилган.

2. Асос қилиб олинган меъёрий ҳужжатлар

Ушбу услубий талаблар ва тавсияларда қуйидаги меъёрий ҳужжатлар асос қилиб олинган:

О'з DSt 1047:2003. Ахборот технологиялари. Атамалар ва таърифлар.

О'з DSt 1092:2009. Ахборот технологиялари. Ахборотни криптографик муҳофаза қилиш. Электрон рақамли имзони шакллантириш ва текшириш жараёнлари.

О'з DSt 1270:2009. Электрон ҳужжат айланиши. Электрон ҳужжат айланиши тизимларининг ўзаро боғлиқлиги.

О'з DSt ISO/IEC 2382-8. Ахборот технологиялари. Ахборот хавфсизлиги. Атамалар ва таърифлар.

RH 45-170:2004. Локал ва корпоратив идоравий компьютер тармоқларини яратиш бўйича асосий техник талаблар.

3. Атамалар ва таърифлар

3.1. Ушбу услубий талаблар ва тавсияларда О'з DSt 1047, О'з DSt 1270:2009, О'з DSt ISO/IEC 2382-8 бўйича, шунингдек, қуйидаги атамалар қўлланилган:

3.1.1. **Локал ва корпоратив тармоқ маъмури (тармоқ маъмури)**: локал тармоқ ёки қисмининг ишлаши учун масъул шахс. Унинг мажбуриятларига компьютерлар ўртасидаги алоқани таъминлаш ва назорат қилиш, ишчи ускунани сошлаш, тармоқнинг барқарор ишлашини таъминлайдиган умумий фойдаланиш ва дастурнинг айрим жиҳатларини сошлаш кабилар киради.

3.1.2. **Ахборот тизими — АТ**: ахборотни йиғиш, сақлаш, излаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг тартибга солинган тўплами.

3.1.3. Компьютер паспорти: компьютернинг жойлашган ўрни, унинг конфигурацияси тўғрисидаги ахборотлар, унда ўрнатилган аппаратлар ва дастурий таъминотлар рўйхати, пломбалар рақами, инвентарь рақами кабиларни ўз ичига олган ҳужжат.

3.1.4. Пломба: ноёб тартиб рақами, ташкилот логотипи ва «Пломбаланган — очилмасин!» ёзуви бўлган қоғоз тасма.

3.1.5. Фойдаланувчи: локал ҳисоблаш тармоғининг ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга ташкилот ходими ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқини олган шахс.

3.1.6. Почта сервери: электрон хабарларни ёки файлларни бир компьютердан бошқа компьютерга узатувчи компьютер дастурини ўз ичига олган махсус компьютер (сервер).

3.1.7. Тизим маъмури: шахсий компьютер, принтер, факс, сканер, кўпайтириш ва бошқа электрон техникаларнинг узлуксиз ишлаши учун жавоб берадиган, шунингдек, фойдаланувчиларни техник ва дастурий таъминлаб туришни амалга оширадиган масъул шахс.

3.1.8. Тизим блоки: шахсий компьютернинг процессор, оналик платаси, хотира блоки, қаттиқ диск каби асосий функционал компонентлари жойлашган корпус.

3.1.9. Чиқиб кетиш: конфиденциал ахборотнинг ташкилот доирасидан ёки у ишониб топширилган шахслар доирасидан назоратсиз чиқиб кетиши.

3.1.10. Ҳисобга олиш ёзуви: фойдаланувчи номи, пароль ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига олган ахборот.

3.1.11. Файл-сервер: киритиш-чиқариш файл операцияларини бажариш учун оптималлаштирилган алоҳида сервер бўлиб, ҳар қандай типдаги файлларни сақлаш учун мўлжалланган. Одатда диск ҳажмининг катта қисмига эга.

4. Умумий қоидалар

4.1. Ушбу услубий талаблар ва тавсиялар давлат ва ҳўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва мутахассисларининг компьютер технологияларини қўллаш соҳасидаги билимдонлик даражасини ошириш мақсадида яратилган.

4.2. Замонавий ташкилотнинг иши нафақат ходимларга, балки компьютер техникасининг барқарор ишлашига ҳам

боғлиқ, бу, ўз навбатида, компьютер техникасидан фойдаланишда ички қоидаларнинг шакллантирилишини талаб қилади (1-илова).

Корхонанинг барча компьютерларини локал тармоққа бирлаштириш корхона ходимлари ўртасида тезкор ахборот алмашинувини таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, ташкилотнинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, яратилган ЛХТда фойдаланувчиларга турли ахборот тизимларидан фойдалана олишни тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

4.3. Ахборот тизимларидан фойдаланиш ташкилот фойдаланувчилари фойдаланадиган ахборот ресурсларини доимо кенгайтириб бориш имконини беради, бу, ўз навбатида, уларни шакллантиришнинг ягона қоидаларини талаб қилади. Давлат секторида ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда [1] баён этилган.

5. Ташкилотнинг локал ҳисоблаш тармоғидан фойдаланиш ва фойдалана олишни маъмурий бошқариш бўйича тавсиялар ва уларга қўйиладиган талаблар

5.1. Ташкилотда локал ҳисоблаш тармоғи (ЛХТ)нинг яратилиши турли ахборотларнинг ишончли сақланишини таъминлаш, умуман олганда, ташкилотнинг ишини янада самарали ташкил этиш имкониятини яратади.

5.2. ЛХТдаги компьютерлар қуйидагилар ёрдамида ўзаро боғланади:

- а) мис ўтказгичлар (жуфт ўрамли);
- б) оптик ўтказгичлар (оптик кабеллар);
- в) радиоканал орқали (симсиз технологиялар).

ЛХТни яратиш компьютер ускунаси ва дастурий таъминотнинг бутун комплекси мавжуд бўлишини кўзда тутати:

- 1) шахсий компьютер (ШК);
- 2) дастурий таъминот;
- 3) сервер ускунаси;
- 4) тармоқ ускунаси:

а) актив – коммутаторлар, маршрутизаторлар, медиаконверторлар;

б) пассив – кабеллар, монтаж шкафлари, кабель каналлари, коммутацион панеллар;

5) периферия қурилмалари (тармоқ принтерлари, сканловчи қурилмалар);

Локал ва корпоратив тармоқларни яратиш ҳар қандай ахборот тизими тузилишининг асоси ҳисобланади. Ахборот тизими бажарадиган асосий вазифалар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- компьютер тармоғининг самарадорлиги ва ишончлиги;

- ахборот ресурсларидан ҳафвсиз узоқдан ёки локал фойдалана олишни таъминлаш;

- янада кенгайтириш ва модернизациялаш имконияти.

Локал ва корпоратив идоравий компьютер тармоқларининг яратилиши тўғрисида РН 45-170: 2004 меъёрий ҳужжатида батафсил баён қилинган.

Ташкилотнинг компьютер тармоқларини лойиҳалаштиришда, ўзининг ёки аввал ишлаб чиқилган ахборот тизимларини жорий қилиш ва ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, ушбу ташкилотда фойдаланиладиган ахборотни йиғиш, жорий қилиш, қайта ишлаш ва бериш технологияси (алгоритми)ни белгилаш, шунингдек, ахборот ҳафвсизлигини таъминлаш тизимининг тузилиш услуби ва мезонларини белгилаш, ахборот ҳафвсизлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу ахборотни қайта ишлаш учун зарур бўлган техник ускуна ва дастурий таъминот (ДТ) ҳажми ва бутлигини ҳисоблаб чиқиш, молиявий эҳтиёжларни ҳисоблаш ҳамда молиялаштириш манбаларини ҳисоблаб чиқиш тавсия этилади.

Юқорида келтириб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун тегишли техник-иқтисодий асослар ва талаблар ташкилот томонидан ишлаб чиқилади. Услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида бюджет ташкилотларини ахборотлаштириш дастурларига қўйиладиган умумий талаблар ишлаб чиқилди [2].

5.3. ЛХТ бир лойиҳа устида ишлайдиган ва бир хил маълумотлар ва дастурлардан бир вақтда фойдаланадиган ходимлар ўртасида ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишни, шунингдек, тармоқ ускунасидан биргаликда фойдаланишни таъминлаш имконини беради.

5.4. Ахборотни сақлаш учун тармоқ таркибида дастурлар ва маълумотлардан биргаликда фойдаланишни таъминлаш имконини берадиган файлли сервер — компьютерни ташкил этиш тавсия этилади.

5.5. Шунингдек, ЛХТ фойдаланувчиларининг фаолияти-ни йўлга қўйиш, маълумотни сақлаш ва бошқа ЛХТ фойдаланувчилари билан алмашинувни таъминлаш мақсадида автоматик уланадиган умумий фойдаланиш тармоқ дискини ташкил этиш мумкин.

5.6. Ажратилган дискларда маълумотларни сақлаш учун муайян бўш ҳажм аниқланади.

5.7. Ушбу тармоқ диски ташкилотнинг барча таркибий бўлинмаларига тегишли умумий маълумотларни, шунингдек, умумий фойдаланиш папкаларини сақлаш учун мўлжалланган.

5.8. Тармоқ дискларида фақат иш фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларни сақлаш тавсия этилади. ЛХТ серверларида жойлашган барча маълумотлар ташкилотнинг мулки ҳисобланади. Тизимнинг нормал ишлашини таъминлаш мақсадида тармоқ оператори, зарур бўлганда, серверларда жойлашган тармоқ ресурсларидаги ҳар қандай файлларни текшириш ҳуқуқини ўзида қолдириши тавсия этилади.

5.9. Тармоқни бузиб киришга уринишларнинг олдини олиш учун тармоқ маъмури дастурий даражада блокировкани ўрнатиши, шунингдек, ташқи манбалардан локал тармоққа келиб тушадиган ахборот филтрланишини ташкил қилиши мумкин.

5.10. ЛХТ тармоқ маъмурининг мажбуриятларидан бири қилиб хавфсизлик ва яширин ҳужумлардан ҳимояланиш, шунингдек, фойдаланувчилар маълумотларининг ҳимоя қилинганлик ҳолатини мунтазам кузатиб боришни киритиш тавсия этилади.

6. Фойдалана олишда тармоққа оид ҳуқуқларни белгилаш

6.1. Ташкилот фойдаланувчиларининг барча компьютерларида ахборотни сақлаш хавфсизлигини таъминлаш учун ЛХТдан фойдалана олиш ҳуқуқини берувчи паролни ўрнатиш тавсия этилади.

6.2. Пароллар шахсий ҳисобланади ва ахборот тизими ёки ЛХТда фойдаланувчиларни текшириш учун хизмат қилади. Шундай қилиб, ҳар бир фойдаланувчи унинг пароли ёрдамида бажарилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар учун шахсан жавобгар бўлади. Шу сабабли, фойдаланувчилар ўз

паролларини ташкилот доирасида ёки ундан ташқарида бошқа шахсларга бермасликлари шарт.

7. Локал ҳисоблаш тармоғининг фойдаланувчилари учун умумий қоидалар

7.1. Тизимнинг ишлашида ҳар қандай шубҳали белгилар (фойдаланувчининг номи ва паролини киритишда ностандарт кўрсатмаларнинг пайдо бўлиши, файлларни ўзгартириш ёки ўчириш, компьютер конфигурациясини ўзгартириш ёки ш.к.) аниқланган ҳолда, фойдаланувчилар тизим маъмурига бу ҳақда зудлик билан хабар беришлари керак.

7.2. Амалий дастурий воситаларнинг хавфсиз ва оптимал ишлашини таъминлаш учун ташкилот раҳбарининг ўринбосари билан келишилган ҳолда масъул ходим томонидан «Умумтизим дастурий таъминотнинг таянч рўйхати» (2-илова) ни жорий этиш тавсия этилади. Умумтизим дастурий таъминотнинг таянч гуруҳига кенг қўламдаги вазифаларни ҳал этадиган дастурлар киради ва шу сабабли улар касбидан қатъи назар, у ёки бу даражада деярли ҳар бир компьютер фойдаланувчисига керак. Ишлаб чиқариш зарурати сабабли дастурий таъминотнинг рўйхатини кенгайтириш лозим бўлганда ташкилотнинг тегишли бўлинмаси раҳбари томонидан бу ҳақда ташкилот раҳбари номига билдиришнома берилади.

Билдиришномада қуйидагилар кўрсатилади:

- ходимнинг фамилияси, исми ва шарифи;
- таркибий бўлинманинг номи;
- эгаллаб турган лавозими;
- фойдаланувчи иш жойининг аниқ манзили (корпус, бино, қават, кабинет);
- ишчи телефон;
- фойдаланувчига ўрнатиш талаб этиладиган ДТ рўйхати;
- талаб этиладиган ДТнинг ўрнатилиши зарурлиги тўғрисида асос;
- билдиришнома берилган сана.

7.3. Ташкилотда фойдаланиладиган умумтизим дастурий таъминотнинг таянч рўйхатига кирмайдиган қўшимча дастурий таъминотни ўрнатиш раҳбар билан келишилган ҳолда ҳал этилиши тавсия этилади. Низоли ҳолатларда қўшимча дастурий таъминотни ўрнатиш тўғрисидаги қарор жамоа бўлиб қабул қилиниши мумкин.

7.4. ЛХТ фойдаланувчиларига қуйидагилар тақиқланади:

— турли дастурий таъминотларни компьютерга ўрнатиш, компьютердан чиқариб ташлаш, қайта ўрнатиш, янгилаш;

— тармоқда биттадан кўп папкани мустақил яратиш;

— хизматга оид бўлмаган ахборотларни ёзиш ёки сақлаш учун ҳар қандай тармоқ, локал ресурслардан фойдаланиш (агар улардан фойдаланиш муайян фойдаланувчининг ваколатига кирмаса);

— ўйинли, ўқитишга мўлжалланган дастурларни ўрнатиш;

— экран заставкалари (screensaver)ни ўрнатиш;

— турли хил график файллар (расмлар), иш фаолиятига тааллуқли бўлмаган товушли файллар ва видеоматериалларни жойлаштириш;

— компьютер тармоғининг ахборотидан тижорат мақсадларида, ҳар қандай ташкилот ва жисмоний шахслар хизматлари, маҳсулотлари ва товарларининг очиқ ёки яширин рекламаси учун фойдаланиш.

7.5. Фойдаланувчиларнинг номақбул хатти-ҳаракатларига қуйидагилар киради:

— конфиденциал ахборотдан рухсат этилмаган тарзда нусха олиш;

— барча турдаги қурилмаларни компьютерларга рухсат этилмаган тарзда улаш;

— фойдаланувчиларнинг тармоқ ва бошқа компьютерлар ишлашига салбий таъсир этиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари.

7.6. Ташкилотнинг тармоқ маъмури ташкилотнинг ЛХТдан фойдаланувчилар фаолиятини назорат қилиб бориши тавсия этилади.

7.7. Фойдаланувчилар томонидан тақиқланган хатти-ҳаракатларнинг атайин амалга оширилишига йўл қўймаслик учун уларнинг фаолиятини электрон дафтарларда қайд этиш ва протоколлаштириш тавсия этилади. Фойдаланувчилар томонидан амалга оширилган номақбул хатти-ҳаракатлар аниқланган ҳолатда, улар ташкилот тармоғидан хабар берилмасдан ўчириб қўйилиши мумкин ёки уларнинг ҳисобга олиш ёзувлари, шунингдек, маълумотларни киритиш-чиқариш портлари блокировка қилиниши мумкин. Шундан сўнг тармоқ маъмури томонидан ташкилот раҳбари номига

юзага келган вазият тўғрисида билдиришнома ёзилиши тавсия этилади. Юзага келган вазият юзасидан кейинги қарорни ташкилот раҳбари қабул қилади.

8. Шахсий компьютерда сақланадиган ахборотларни муҳофаза қилиш бўйича асосий тавсиялар

8.1. ШКни ўзга шахсларнинг фойдаланишидан муҳофаза қилиш деганда, фойдаланувчи йўқлигида унинг компьютеридан рухсатсиз фойдаланишга тўсқинлик қиладиган тадбирлар тушунилади.

8.2. Фойдаланувчиларнинг ШКни «бузиб кириш»дан дастурли муҳофаза қилиш тавсия этилади, яъни фойдаланувчи ахборотини шикастлаш ёки ўғирлашга йўналтирилган дастурларни аниқлаш, уларни зарарсизлантириш, фойдаланувчилар паролларини ёмон ниятли шахсларга бериш, шунингдек, фойдаланувчи бўлмаган ҳолда рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш чораларини кўриш керак.

8.3. Жисмонан муҳофаза қилишга тизим блоки корпусидаги ахборот дискидан фойдаланиш мақсадида компьютер конфигурацияси ва унинг ҳар қандай созлаш мосламаларини ўзгартириш учун шахсий компьютерни рухсатсиз очишнинг олдини оладиган тадбирлар киради.

8.4. Фойдаланувчининг шахсий компьютерини махфий ахборот чиқиб кетишидан муҳофаза қилиш учун рухсат этилган фойдаланувчиларнинг компьютердаги ахборотдан тармоқ бўйича фойдаланишини чеклаш, рухсат этилмаган фойдаланувчиларнинг ундан фойдаланишини, шунингдек, ёмон ниятли дастурларни киритиш ва тарқатиш учун йўналтирилган хатти-ҳаракатларни тақиқлаш тавсия этилади.

9. Фойдаланувчи шахсий компьютерининг ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган жисмоний воситалари

9.1. Компьютерни жисмонан муҳофаза қилиш учун тизим блокинни муҳрлаш тавсия этилади. Бу бегоналарнинг компьютер конфигурациясини ўзгартириб, шахсий компьютерга рухсатсиз киришдан муҳофаза қилади. Шунинг учун ташкилот ва таркибий бўлинмаларининг балансидаги, янги сотиб олинаётган, бошқа ташкилотлардан балансга берилган ёки таъмирлаш учун очилган ишчи станцияларнинг барча тизим блокларини пломбалаш тавсия этилади.

Фойдаланувчилар ШК тизим блокларини пломбалаш ва пломбалар бутлигини назорат қилиш тизим маъмури томонидан таркибий бўлинма билан биргаликда амалга оширилиши тавсия этилади.

Фойдаланувчилар ишчи станцияларининг тизим блокларини пломбалаш пломбалар ёрдамида бажарилади, пломбалар олинганда уларнинг бутлиги бузилади.

Пломбаларни тизим блокидан олиш ташкилотнинг ваколатли ходими ёки ташкилот раҳбари билан келишилган ҳолда тайинланган тизим маъмури томонидан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- а) ишчи станциялар параметрларини соzлаш;
- б) тизим блокида таъмирлаш ёки профилактика ишларини ўтказиш;
- в) янги қурилмаларни тизим блокига ўрнатиш;
- г) эскирган, носоз тизим блоклари рўйхатини тузиш, уларни ҳисобдан чиқариш;
- д) ишчи станциялардаги периферия қурилмаларини ўчириш зарур бўлганда.

Ҳар бир ШК учун «Шахсий компьютер паспорти»ни юритиш тавсия этилади.

ШК намунавий паспорти ташкилот учун ушбу компьютер устида тизим маъмури томонидан амалга оширилган текширишлар, режали ва режадан ташқари таъмирлаш ишлари, ШКда ўрнатилган дастурий маҳсулотлар, тармоқдаги ва ахборот тизимдаги шахсий компьютернинг идентификацион номини, рўйхатга олиш каби ишлар учун зарур бўлади. Пломбаланадиган ШК тўғрисидаги барча маълумотлар ШК фойдаланувчиси иштирокида тизим маъмури томонидан паспортга киритилади (3-илова).

9.2. Бирламчи пломбалаш тўғрисидаги маълумотлар «Шахсий компьютер паспорти»га киритилади.

9.3. Ишлаб чиқариш зарурати туфайли пломбани бузишга, фойдаланувчининг ШК паспортига тизим блокани очиш санаси ва сабабини, албатта, ёзиш шарти билан, фақат ташкилот раҳбари тайинлаган масъул шахсларгина ҳақлидир.

9.4. Фойдаланувчига пломбанинг бутлигини мунтазам (ойда бир марта) текшириш тавсия этилади. Пломба бутлигининг бузилганлиги аниқланганда фойдаланувчи бу ҳақда тизим маъмурига зудлик билан хабар бериши керак.

Тизим маъмури тизим блокининг рухсатсиз очилганлиги ҳақида ташкилот раҳбари номига билдиришнома ёзиши шарт.

9.5. Пломбаларнинг бутлигини назорат қилиш тизим маъмури томонидан бир ойда бир марта амалга оширилиши тавсия этилади. Пломбанинг бузилганлиги аниқланганда тизим маъмури томонидан раҳбар номига билдиришнома берилади.

9.6. Хизматга оид текширув натижалари бўйича, агар бу белгиланган бўлса, тизим маъмури юзага келган вазиятни ҳал этиш ҳақида таклифлар тайёрлайди. Айбдор шахсларга нисбатан интизомий чораларни кўриш ташкилот раҳбари зиммасида қолади.

9.7. Тизим блокларини пломбалаш «Шахсий компьютер паспорти»да қайд этилади. Ушбу паспортда компьютернинг жойлашган ўрни, унинг конфигурацияси, серия рақами, инвентарь рақами, пломба рақами, ушбу компьютерда ўрнатилган аппарат ва дастурий таъминот рўйхати кўрсатилади. Паспорт ШКни ҳисобдан чиқариш вақтигача ташкилотнинг масъул ходимлари ва тизим маъмури томонидан имзолаб борилади.

10. Фойдаланувчи шахсий компьютерининг ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган дастурий воситалари

10.1. Шахсий компьютерни рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилиш учун ташкилотнинг ваколатли ходими томонидан «Маъмур» ҳисобга олиш ёзувига пароль (ҳарфлар, рақамлар ва махсус символларни ўз ичига олган камида 6 та символ) ўрнатилади.

10.2. Фойдаланувчининг бегона ҳисобга олиш ёзуви ва «Маъмур» ҳисобга олиш ёзуви остида ишлаши мақсадга мувофиқ эмас. «Меҳмон» ҳисобга олиш ёзуви ШК операцион тизимида ўчириб қўйилган бўлиши керак.

10.3. Фойдаланувчиларнинг мавжуд ва кенгайтирилган ҳуқуқли «Маъмур» ҳисобга олиш ёзувини ёки ўчириб ташлаш ёки фойдаланувчини «Маъмур» гуруҳидан чиқариш тавсия этилади.

10.4. ШК фойдаланувчиси ишдан бўшаётганда ёки унинг иш жойи ўзгартириляётганда, у ўз ШК қаттиқ дискидаги барча хизматга доир ахборотларни ўзининг бевосита раҳба-

рига бериши керак. Раҳбар эса, ўз навбатида, бу ахборотлардан нусха олиниши, уларнинг сақланиши ёки ШКдан ўчирилиши тўғрисида қарор қабул қилади. Раҳбар ва ишдан бўшаётган ёки иш жойи ўзгартирилаётган фойдаланувчи ишларни қабул қилиш ва топшириш учун шахсан жавобгар бўладилар.

10.5. Ҳар бир фойдаланувчи иш жойидан вақтинчалик кетганда ўзининг ишчи компьютерини бегоналарнинг ундан фойдаланишига қарши блокировка қилиши тавсия этилади.

10.6. Ўрнатилган дастурий таъминот, пароль ахбороти, пломбаларни ҳисобга олиш ва назорат қилишни юритиш, шунингдек, фойдаланувчиларнинг ШК тўғрисидаги бошқа зарурий ахборотларни сақлаш учун ташкилотнинг тизим маъмури «Компьютерлар паспортлари маълумотларининг электрон базаси»ни яратади ва уни таъминлаб туради. Ташкилотнинг масъул ходимлари фойдаланувчиларнинг шахсий компьютерида қилинган ўзгартишлар тўғрисидаги ахборотларни маълумотлар базасига мунтазам киритиб боришади. Компьютер паспортининг маълумотлари маълумотларнинг электрон базасида жойлашган ахборотларга мос келиши керак.

10.7. ШК узлуксиз ишлашининг муҳим шартларидан бири зарарли дастурлар (компьютер вируслари) бузувчи ҳаракатларининг олдини олишга имкон берувчи вирусга қарши дастурларнинг қўлланиши ҳисобланади. Ахборотларни компьютер вирусларининг зарарли хатти-ҳаракатларидан муҳофаза қилиш учун ташкилотнинг тизим маъмури томонидан ҳар бир ШКда вирусга қарши базаларни ҳар куни янгилаб боришга созланган вирусга қарши ДТ ўрнатилади. Ташкилот ходимлари шахсий компьютерда зарарли дастурларнинг бори-ёққлигини ундаги мавжуд дастурий воситалар ёрдамида текширишади.

10.8. Вирусга қарши дастурий таъминотдан ташқари, электрон ҳужжатлардан хавфсиз фойдаланиш ва уларни сақлашга имкон берувчи махсус тизимлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай тизимлардан бири «HIMFAYL» бўлиб, у шахсий компьютерда (компьютернинг «Проводник»ида) ёки ташқи дискли ахборот ташувчиларда сақланадиган папка ва файллар хавфсизлиги, бутлигини таъминлаш ва улардан рұхсатсиз фойдаланишнинг олдини олишга мўлжалланган.

Бу тизим қўлланганда сақланган электрон маълумотларни рухсатсиз фойдаланиш, кўриб чиқишнинг олдини олиш, уларни ўзгартириш ёки бузишдан ҳимоя қилиш имконияти туғилади (4-илова).

11. Носозликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар

11.1. Компьютер носозликларини бартараф этиш компьютерга хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан шартнома тузиш йўли билан ёки ташкилотда тузилган компьютер техникасига хизмат кўрсатиш бўлими томонидан амалга оширилади.

11.2. Шартномани тузишда фирма мутахассислари ёки ташкилотдаги техникага хизмат кўрсатиш бўйича тизим маъмури олдиндан келишилган жадвал бўйича техникага хизмат кўрсатилишига эътиборни қаратиш зарур. Носозликларни бартараф этиш ўртача 1 соатни ташкил қилиши керак.

11.3. ШК диск майдонидан оқилона фойдаланиш ва ундаги ахборотни излашни тезлаштириш учун қаттиқ дискни ярим йилда бир марта дефрагментациялаш тавсия этилади.

11.4. Вирусга қарши профилактика 2—3 ойда бир марта, режадан ташқари профилактика эса зарурат бўлганда амалга оширилади.

11.5. ШК тизим блокларини чангдан режа бўйича тозалаш хонанинг чангланганлик даражасига кўра амалга оширилади ва 3 ойда камида бир марта ўтказилиши мумкин.

11.6. Ахборот тизимлари (АТ) маълумотларидан бир ҳафтада камида бир марта файлли серверга ёхуд ташқи қаттиқ дискка захира учун нусха олиш тавсия этилади.

11.7. Компьютерлар жойлашган хонани мунтазам шамоллатиб туриш қатъий тавсия этилади.

11.8. Компьютерни электр тармоқдаги носозликлардан муҳофаза қилиш учун тармоқ филтрларидан фойдаланиш керак. Кучланиш кескин ўзгариб турадиган жойларда махсус узлуксиз таъминот манбаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

11.9. Хона тўлиқ қоронғи бўлганда ва жуда ёруғ бўлганда компьютерда ишлаш тавсия этилмайди.

11.10. Фойдаланувчига организмнинг ишчанлик қобилиятини таъминлаб туриш учун ҳар 50 минутда 10 минутли танаффус қилиш тавсия этилади.

11.11. Вирусга қарши дастурий таъминотнинг долзарблигини таъминлаб туриш учун вирусга қарши базаларни хар куни янгилаш тавсия этилади.

12. Локал-ҳисоблаш тармоғида ахборот алмашинуви

12.1. Ахборот алмашинувини бошқариш учун тармоқ тузилишининг технологиясига сезиларли даражада боғлиқ бўлган маълумотларни узатиш ва сақлашнинг турли усулларидадан фойдаланилади.

Компьютер тармоқларининг барча турлари иккита функция билан аниқланади:

а) ШК ва жамоа бўлиб фойдаланиладиган бошқа қурилмаларнинг (принтер, сканер ва ш.к.) биргаликда ишлашини таъминлаш;

б) тармоқнинг аппарат, дастурий ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш ва жамоа бўлиб фойдаланишни (масалан, жамоа маълумотлар базалари ва ҳ.к.) таъминлаш.

12.2. Ташкилотда, архитектура принципи бўйича, тармоқ тузилишининг «мижоз-сервер» технологияси мавжуд бўлиши лозим.

Сервер тармоқдаги компьютер бўлиб, у тармоқ фойдаланувчиларига маълумотларни сақлаш учун ўз дастур ва аппарат ресурслари, дастурлар ва бошқалар билан хизмат кўрсатади.

Мижоз деганда, сервер хизматларидан фойдаланадиган тармоқ фойдаланувчисининг шахсий компьютерига ўрнатиладиган ва фойдаланувчининг логини ва паролини тасдиқлаш асосида сервернинг ахборот ресурсларидан фойдалана олиш имконига эга дастурлар тушунилади.

«Мижоз-сервер» архитектурали тармоқларнинг устуворлигига тармоқ ресурсларини марказлаштирилган ҳолда бошқариш, хавфсизлик ва фойдаланиш тезлиги киради. Ушбу хусусиятларни амалга ошириш бўйича тадбирлар тармоқни маъмурлаштириш деб номланади.

12.3. Фойдаланиш усулларига қуйидагилар киради:

а) марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган;

б) аниқланган ва умумий;

в) содда.

Марказлаштирилган ҳолда фойдаланиш маълумотлар базасининг марказий сақлаш хонасидан фойдалана олиш, ЛХТни бошқариш марказидан туриб бошқариш усули

ҳисобланади. Ушбу усул логин ва паролни текшириш асосида, тармоқ фойдаланувчиларининг ҳуқуқлари аниқ чекланган ҳолда ишлайди. Ташкилотнинг барча электрон маълумотлари махсус дастур ёрдамида МБга сақлаш учун берилади.

Марказлаштирилмаган ҳолда фойдаланиш бошқариладиган таъсирлари бўлмаган протоколлар асосида тармоқни бошқариш маркази томонидан амалга ошириладиган фойдаланиш усули ҳисобланади. Бунда, қоидага кўра, тармоқдаги маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаб бўлмайди.

Аниқланган фойдаланиш ЛХТнинг ҳар бир фойдаланувчисини фақат муайян вақт давомида (масалан, жадвал бўйича) ёки маълумотлар узатилаётган муайян вазиятда зарурий маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминлайди.

Умумий фойдаланиш тармоқдаги барча компьютерларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланган бўлиб, уларда исталган вақтда маълумотларни узатиш учун мурожаат қилиш имконияти мавжуд.

Фойдаланишнинг охириги усули «бир даражали тармоқлар» деб номланадиган содда тармоқлар бўлиб, уларда «мижоз-сервер» компонентларидан фойдаланилмайди.

12.4. Локал тармоқни ташкил қилишнинг энг содда усули бир даражали тармоқни тузиш ҳисобланади. Ушбу усулда барча компьютерлар ахборот алмашинуви учун тенг ҳуқуққа эга. Унда марказлаштирилган бошқарув мавжуд бўлмайди; бир даражали тармоқларда маълумотлар узатиш тармоғидан фойдаланиш ҳуқуқларини чеклаш амалга оширилмайди. Шундай қилиб, бир даражали тармоқда ҳар бир ШК ҳам мижоз, ҳам сервер каби ишлайди. Бундай тармоқда алоҳида компьютер ёки бутун тармоқ учун масъул тармоқ маъмури бўлмайди. Барча фойдаланувчилар ўз компютерида кимга нимани қулайроқ қилиш мумкинлигини мустақил ҳал қилишади.

Бир даражали тармоқлар нисбатан содда. Чунки уларда кучли марказий сервер ёки жуда содда тармоқлар учун мажбурий бўлган бошқа компонентларнинг бўлиши зарур эмас. Бир даражали тармоқлар, одатда, сервер асосидаги тармоқлардан арзон, лекин кучли (ва жуда қиммат) компьютерлар бўлишини тақазо этади.

Бир даражали тармоқдан қуйидаги ҳолатларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- фойдаланувчилар миқдори бир нечта кишидан ошмаганда;
- фойдаланувчилар зич жойлашганда;
- маълумотларни муҳофаза қилиш масаласи жиддий бўлмаганда;
- маълумотлар оқими катта бўлмаганда;
- яқин келажақда ташкилотни, бинобарин, тармоқни сезиларли даражада кенгайтириш кутилмаганда.

12.5. Қонун ҳужжатлари ва жамият ахлоқ меъёрларига зид келадиган, тижорат сирини ўз ичига олган ахборотни ташкилотнинг ЛХТ орқали олиш ва бериш, фуқаролар иззат-нафси ва обрўсига тегадиган ахборотни тарқатиш, шунингдек, ёлгон, ташвиштли ёки таҳликали хабарларни ҳар жойларга тарқатиш тақиқланади.

12.6. Ташкил қилинган ЛХТда узатиладиган ахборотдан ҳужжатларнинг ички айланишини таъминлаш учун фойдаланиш мумкин.

12.7. Ташкилот ичида айланадиган ҳужжатларни сақлаш ва узатишни ташкил қилишнинг энг қулай варианты электрон ҳужжат айланиш тизими (ЭХТ) бўлиб, уни топириқларни назорат қилиш ва бажаришни амалга оширишда жорий этиш мумкин.

12.8. ЭХТда электрон ҳужжатга юридик куч бериш учун электрон рақамли имзодан фойдаланиш зарур. Мисол учун, давлат ташкилотларида ахборотни муҳофаза қилиш ёки электрон рақамли имзо билан ҳужжатни тасдиқлаш ва электрон ҳужжатга юридик куч бериш лозим бўлганда (5-илова). Электрон рақамли имзога эга бўлиш учун ташкилот раҳбари ёки жисмоний шахс ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази билан намунавий шартнома тузиши (6-илова) ва зарур маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этиши зарур.

12.9. Фаолияти ҳар хил бўлган турли ташкилотларда ЭХТдан фойдаланиш барча давлат органлари учун электрон ҳужжат айланишини ташкил қилишнинг ягона тартиби ва шартини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари ва ҳокимиятининг электрон ҳужжат айланиши қоидалари [3] нашр қилинган.

12.10. Электрон ҳужжат айланиш тизимларида юридик кучга эга бўлган ва электрон ҳужжат шаклида бўли



ташкил қилиш учун мўлжалланган «Е-Hujjat» ҳисобланади. «Е-Hujjat» ЭХТ ташкилотда иш юритишнинг барча жараёнларини (кирувчи ва чикувчи ҳужжатларни рўйхатга олиш, резолюция қўйиш, назорат карточкаларини юритиш ва ҳисобга олиш, ҳужжатларни келишиш ва имзолаш) автоматлаштириш учун мўлжалланган.

«Е-Hujjat» ЭХТ электрон ҳужжатларни имзолаш учун, О'з DSt 1092:2009 стандартга мувофиқ, ЭРИдан фойдаланади. 7-иловада «Е-Hujjat» ЭХТнинг ишлаши батафсил баён этилган.

13. Ташкилот фойдаланувчиларининг глобал Интернет тармоғидан фойдалана олишини таъминлаш

13.1. Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматга доир ёзишмаларга кўра тақдим этилади. Шундан кейин ташкилот ходими ўзининг вазифа мажбуриятларига мувофиқ Интернет тармоғидан фойдаланишга рухсат олади. Ходим олдиндан Интернет тармоғида ишлаш қоидалари бўйича йўл-йўриқдан ўтиши ва ўз ҳуқуқ, мажбуриятларини ҳамда содир этилган носозликлар учун жавобгарлик чораларини билиши керак.

13.2. Фойдаланувчилар томонидан глобал Интернет тармоғида ахборотни излаш ва олиш учун дастурлардан фойдаланишга фақат лавозим мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлгандагина рухсат этилади.

13.3. Интернет тармоғининг ресурсларидан фойдаланувчи ташкилот ходимларига порнографик, экстремистик, террорчилик характерли материаллар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларини бузишга йўналтирилган ҳар қандай бошқа материалларни бериш ёки компьютерга юклаш тақиқланади.

13.4. Шартнома асосида ишга қабул қилинган ходимлар, штатга қабул қилинган ходимлар каби, ЛХТ ва Интернет тармоғидан фойдаланишга рухсат берилгандан кейин ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги сиёсатига риоя қилиши керак.

13.5. Интернет тармоғидан фойдаланиш учун ишлатиладиган барча дастурлар тармоқ маъмури томонидан тасдиқланиши мумкин ва уларга хавфсизликнинг зарур даражалари созланган бўлиши керак.

13.6. Оммавий бўлмаган, тармоқнинг ахборот ресурсларидан ёки Интернет тармоғи эгасининг рухсатисиз улардан фойдаланиш тақиқланади.

13.7. Маълумотларни Интернет тармоғи орқали узатиш учун турли почта тизимларидан фойдаланилади. Маълумотларни бундай усуллар билан узатишда узатиладиган ахборот бузғунчи томонидан «қўлга киритилиш» ёки бузилиш эҳтимоли мавжуд.

13.8. Интернет тармоғи орқали узатишда ахборотни муҳофаза қилиш учун, масалан, «Е-ХАТ» ҳимояланган электрон почта тизими хизмат қилади. Ушбу тизим корпоратив мижозлар — «Е-ХАТ» тизими фойдаланувчилари ўртасида электрон хабарларнинг ҳимояланган алмашинувини ташкил қилиш учун мўлжалланган.

«Е-ХАТ» тизими қуйидагиларнинг узатилишини амалга ошириш имконини беради:

- электрон почта хабарлари;
- овозли хабарлар.

«Е-ХАТ» тизими SMTP/POP3 протоколининг электрон почта тизимлари билан биргаликда ишлайди. «Е-ХАТ» тизими учта — «Е-ХАТ» муҳофазаланган электрон почта сервери, ЭРИ очиқ калитлари сертификатларининг базаси ва «Е-ХАТ» мижози дастурий компонентларидан иборат бўлади. ЭРИ очиқ калитлари сертификатларининг базаси сифатида ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказидан фойдаланилади.

8-иловада «Е-ХАТ» муҳофазаланган электрон почта тизимининг ишлаши батафсил берилган.

14. Ташкилотнинг веб-сайтини яратиш ва маъмурий бошқариш

14.1. Ташкилотнинг ўз веб-сайтини яратиши ташкилот фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг ошишига олиб келади. Ташкилот ўзининг веб-сайтини «UZ» домен зонасида жойлаштириши тавсия этилади.

14.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги [3] «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори давлат органларининг сайтларига қўйиладиган асосий талабларни белгилаб берган «Давлат органларининг ахборот тизимларини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг тасдиқланишига асос бўлди. Давлат органларида веб-сайтлардан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлардан энг муҳими «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом ҳисобланади [4]. Ушбу низомда «UZ» домен зонасида иккинчи даража доменларни олиш ва улардан фойдаланиш бўйича ягона қоидалар, домен маъмурининг ҳуқуқ ва ўзаро мажбуриятлари, шунингдек, «UZ» зонада юридик ва жисмоний шахслар учун доменни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар, «UZ» доменида домен номини рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш шакли кўрсатилган.

14.3. Ташкилот ўз веб-сайтига ахборот киритиш ва уни бошқаришни ташкилотнинг тармоқ маъмури ёки шартнома асосида, провайдер хизмати орқали амалга ошириши мумкин.

15. Ахборот учун маълумот

15.1. www.cctld.uz манзилида — домен номларини рўйхатга олиш бўйича маълумот.

15.2. www.uz манзилида — хост-провайдер бўйича маълумот.

15.3. www.aci.uz манзилида — Интернет тармоғи хизматларининг провайдери бўйича маълумот.

15.4. www.pki.uz манзилида — электрон рақамли имзо бўйича маълумот.

15.5. www.unicon.uz манзилида — электрон ҳужжат айланиши тизими бўйича маълумот.

15.6. www.uzinfocom.uz манзилида — веб-сайтларни ишлаб чиқувчилар бўйича маълумот.

15.7. www.reestr.uz манзилида — давлат ахборот ресурслари ва давлат органлари ахборот тизимларининг реестри.

1-илова

(тавсия этилади)

1. Ташкилотда компьютер техникасидан фойдаланиш қоидалари

1.1. Бу қоидалар ишлаб чиқариш режалари бажарилишининг самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш заруратини кўзда тутадиган бошқа фаолиятларни амалга ошириш, шунингдек, ташкилотнинг компьютер ускунасидан фойдаланишини тартибга солиш учун ишлаб чиқилади.

1.2. Бу қоидалар ташкилотнинг локал ҳисоблаш тармоғи (ЛХТ)га уланган ҳар қандай компьютер ускунаси (компьютерлар, компьютер периферия, коммуникация ускунаси), шунингдек, ташкилотнинг ЛХТ ускунасидан узоқдан туриб фойдаланишни амалга оширадиган фойдаланувчиларга тааллуқлидир.

1.3. Бу қоидалар компьютер ускунасидан фойдаланувчиларнинг, шунингдек, бўлинма ахборот техник хизмати (АТХ) мутахассисларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.4. Ташкилотнинг ҳар бир ходими компьютер ускунасида иш бошлашдан олдин ушбу қоидалар ва ҳисоблаш тармоғида ишлаш қоидалари билан танишиб чиқишга мажбурдир.

1.5. Ушбу қоидаларнинг фойдаланувчи томонидан қўпол ёки мунтазам бузилиши интизомий чораларни қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2. Компьютерда ишлаш

2.1. Иш бошлашдан олдин фойдаланувчи қуйидагиларни бажариши керак:

2.1.1. Тармоқ филътрининг ёқиб-ўчиргичи ёқилади. Ёқиб-ўчиргич ёқилганда чироқча ёниши керак.

2.1.2. Узлуксиз таъминот манбаи (УТМ) ёқилади ва 5 сония кутилади.

2.1.3. Монитор ёқилади (агар ўчирилган бўлса).

2.1.4. Компьютер «Power» тугмаси орқали ёқилади. Операцион тизим (ОТ) юкланиши кутилади.

2.1.5. Шахсий фойдаланувчи номи ва паролдан фойдаланиб, тизимга кирилади.

2.2. Фойдаланувчи иш тугаганда қуйидагиларни бажариши керак:

2.2.1. Зарур ўзгаришларни сақлаб, барча очиқ дастур ва ҳужжатлар ёпилади.

2.2.2. Компьютер «Ишга тушириш → Ишни тугатиш» («Пуск → Завершение работы») меню ёрдамида ўчирилади ва иш тугаши кутилади, Тизим блоки ўчади ва шовқин тинади;

2.2.3. Монитор ўчирилади.

2.2.4. Узлуксиз таъминот манбаи (УТМ) олд панелдаги тугма босилгач, ўчирилади. Электр энергияси ўчирилганда узлуксиз таъминот манбаи (УТМ) компьютерга 5 дақиқадан 20 дақиқача ишчи ҳолатда қолиш имконини беради. Хонада электр энергия ўчирилганда фойдаланувчи зудлик билан компьютерни тўғри ўчириши керак.

2.2.5. Тармоқ фильтри ўчирилади.

3. Фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

3.1. Фойдаланувчилар қуйидагиларга мажбурдирлар:

3.1.1. Кириш чекланган ускунада ишлаш учун рўйхатдан, йўл-йўриқдан ўтиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи шахсий атрибутларни (ном, пароль) олиш.

3.1.2. Фойдаланиш ҳуқуқини берувчи шахсий паролни (агар фойдаланувчига паролни ўзгартириш имкони берилган бўлса) компьютер хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ ўрнатиш.

3.1.3. Компьютер ускунасидан фақат ишлаб чиқариш зарурати билан ва лавозим йўриқномасида кўзда тутилган фаолият учун фойдаланиш.

3.1.4. Ускунага эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва уни ишлатиш қоидаларига риоя қилиш.

3.1.5. Компьютер ускунасида аниқланган носозликлар ва умумий фойдаланиш учун мўлжалланган дастурий таъминот ишида юзага келган камчиликлар тўғрисида хабар бериш.

3.1.6. Чекланган ҳолда ажратиладиган ресурслар (умумий фойдаланиш учун мўлжалланган компьютернинг дискли хотираси, ЛХТ ўтказиш имконияти) ва харажат материалларидан оқилона фойдаланиш.

3.1.7. Бўлинма ЛХТ тизим маъмури, шунингдек, маълум бир ускунани ишлатиш учун жавобгар қилиб тайинланган шахсларнинг талабларини бажариш.

3.1.8. Ҳисоблаш тармоғида ишлаш қоидалари ва бўлинма

ахборот тизимлари ходимларининг талабларини бажариш.

3.1.9. Компьютер хавфсизлиги бўйича масъул шахсларнинг мажбурий тавсияларини бажариш.

3.1.10. Тизим маъмурининг талаби бўйича шахсий компьютер конфигурацияси, фойдаланиладиган тармоқ дастурлари, операцион тизимда рўйхатга олинadиган фойдаланувчилар тўғрисида тўғри ахборот тақдим этиш.

3.1.11. Бўлинма ЛХТ АТХ ходимларига ШКнинг соzлигини ва ишнинг белгиланган қоидаларига мувофиқ йўлга қўйилганлигини текшириш учун унга киришга рухсат бериш.

3.1.12. Бўлинма АТХ ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажаришда ёрдам бериш.

3.1.13. Компьютер хавфсизлиги бузилган ҳолатлар аниқланганлиги тўғрисида хабар бериш (ускуна ва ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш, ахборотни рухсатсиз бузиш ёки ўчириш).

3.2. Фойдаланувчилар қуйидагиларга ҳақлидирлар:

3.2.1. Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган ускунадан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун ариза бериш.

3.2.2. Якка тартибда фойдаланиш учун компьютер ускунаси ажратиш ва модернизациялаш учун ариза бериш.

3.2.3. Компьютер ресурсларига квотани ошириш ва харажат материалларига бўлган талабни қондириш учун ариза бериш, ўртача норма ошганда асосланиши керак.

3.2.4. Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган бепул дастурий таъминотни ўрнатиш ва пулли дастурий таъминотни сотиб олиш бўйича таклиф киритиш.

3.2.5. Компьютер ускунасини сотиб олиш бўйича таклиф киритиш.

3.2.6. Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган ускуна ва дастурий таъминот соzлигини яхшилаш, меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш.

3.2.7. Бўлинма АТХ ходимларидан умумий фойдаланиш учун мўлжалланган ускуна ва дастурий таъминот билан ишлаш ҳамда компьютер хавфсизлиги бўйича маслаҳат олиш.

3.2.8. Низоли ҳолатларда бўлинма раҳбарига тармоқ маъмури ва бўлинманинг бошқа АТХ ходимлари тутган хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш.

3.2.9. Ушбу қоидаларни ўзгартириш ва уларга қўшимчалар қўйиш бўйича таклиф киритиш.

3.2.10. Ушбу қоидалар ва муайян бир ускунада ишлаш қоидаларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида хабарни олиш.

4. Фойдаланувчига иш вақтида қуйидагилар тавсия этилади:

4.1. Монитор шундай ўрнатилиши керакки, унга қараш қулай бўлиши лозим. Мониторни буриб, экранга тўғри бурчак остида ёки бироз «пастдан юқорига» қарашга эришиш.

4.2. Клавиатура ва «сичқонча»ни пластмасса материалларини тозалаш воситасини ишлатиб, бир оз намланган латта билан (фақат компьютер ўчирилган ҳолатда) мунтазам артиб бориш.

4.3. Экран чангини сал намланган латта билан мунтазам артиб бориш. Суюқ кристалли мониторни тозалашда куч ишлатмаслик керак.

4.4. Мониторни ёқишга шошилмаслик: мониторда тасвир бўлмаган тақдирда ҳам, у энергия тежаш режимида бўлиши мумкин.

4.5. Иш вақти тугаганда компьютерни ўчириш ва токдан олиб қўйиш.

4.6. Компакт-диск юзасига бармоқларни теккизмаслик: бунда у нотўғри ишлаши мумкин. CD-дискни унинг қирраси ёки марказдаги тешик қисмидан ушлаш. Компакт-дискнинг ишчи юзасини сал намланган юмшоқ латта билан артиб тозалаш мумкин.

4.7. Дискеталар ёки CD-дискларни ёйилган ҳолда сақламаслик.

5. Фойдаланувчиларга қуйидагилар тақиқланади:

5.1. Компьютер ва унинг бутловчи қисмларини мустақил равишда ажратиш. Носозликлар юзага келганда АТХга мурожаат қилиш.

5.2. Тизим блокиннинг бошқа қурилмалари билан боғланувчи барча кабелларни фақат компьютер ўчирилган вақтда киргизиш ва чиқариш. Бундан USB-қурилма истиснодир, улар ишлаб турган компьютерга уланиши мумкин.

5.3. Компьютердаги дастурий таъминот ва тармоқ созлагичларни мустақил равишда ўрнатиш, ўчириш, деактивациялаш ва ўзгартириш.

5.4. Компьютер ишини «Reset» тугмаси ёки электр тармоқдан ўчириш билан фавқулодда тўхтатиш. Компьютер иши **Пуск** тугмаси орқали тўхталиши лозим.

5.5. Компьютер ва периферия қурилмаларига физик, термик ва химик таъсир этиш. Компьютерга ўтириш, унинг устига чой, қаҳва тўкиш, писта тўкиш, уни батарея ва бошқа иситиш асбоблари ёнига қўйиш.

5.6. Сканер қопқоғи устига қаттиқ предметларни қўйиш.

5.7. Масъул шахснинг бевосита кўрсатмаси ва ёнғин хавфи юзага келган, ускунадан тутун чиққан ёки инсон ҳаёти ва соғлиғига таъсир этадиган бошқа хавфлар юзага келган ҳолатлардан ташқари, умумий фойдаланиш учун мўлжалланган ускунани улаш, ўчириш, қайта улаш, ажратиш, унинг жойини ўзгартириш, созлагичини ўзгартириш.

5.8. Рухсатсиз фойдаланиш, паролларни бузиш, компьютер ускунаси ва компьютер тармоқларини бузиш учун мўлжалланган дастурларни тарқатиш, шунингдек, компьютер вируслари ва улар натижасида зарарланган ҳар қандай дастурлардан фойдаланиш ва сақлаш.

5.9. Бўлинма ускунаси ёки тармоғи орқали узоқдаги компьютер ва ускуналарнинг иш фаолиятини бузиш.

5.10. Рўйхатга олинмаган фойдаланувчига компьютер ускунасидан фойдаланишга рухсат бериш.

6. Фойдаланувчилар ва ускуналарни рўйхатга олиш

6.1. Бўлинма ЛХТ тармоғига уланадиган янги ускунани рўйхатга олиш бўлинма ЛХТ тармоқ маъмури орқали амалга оширилади. Якка тартибда фойдаланиш учун мўлжалланган ускуна, уни ишлатиш учун жавобгарлик мазкур ускунадан фойдаланувчи ходимга юклатилади. Масъул шахс бўлинма ЛХТ тизим маъмури ёки ҳисоб юритадиган бўлинманинг АТХ ходимига ускунани бошқа хонага кўчириш, унинг комплектациясини ўзгартириш, таъмирлашга бериш, ускуна учун жавобгарликни бошқа шахсга юклатиш тўғрисида хабар бериши шарт.

6.2. Фойдаланувчиларни рўйхатга олиш тизим маъмури томонидан амалга оширилади.

7. Бўлинма АТ ходимларининг мажбуриятлари

Бўлинманинг АТ ходимларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

7.1. Хизматга доир мажбуриятлар бажарилишининг самарадорлигини ошириш учун ускуна ва умумий фойдаланишга мўлжалланган дастурий таъминот ишини такомиллаштириш.

7.2. Фойдаланувчиларга умумий фойдаланиш учун мўлжалланган компьютер ускунасида ишлашга зарур бўлган ахборотларни тақдим этиш.

7.3. Фойдаланувчиларга умумий фойдаланиш учун мўлжалланган ускунанинг ишлаш қоидалари ёки режими ўзгарганлиги тўғрисида ахборот етказиш.

7.4. Носозликлар сабабли ускуна ва сервер ишларининг тўхтаб қолиш вақтини камайтириш.

7.5. Фойдаланувчилар орасида компьютер хавфсизлиги масалалари бўйича тушунтириш ишларини ўтказиш.

7.6. Фойдаланувчиларга муайян ускунада ишлаш қоидаларини етказиш.

7.7. Хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида олинган ва хизматга бевосита алоқадор бўлмаган ахборотни ошкор қилмаслик.

8. Бўлинма АТ ходимларининг ҳуқуқлари

Бўлинма АТ ходимлари муайян ускунада ишлаш учун ўз жавобгарликлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.1. Ишнинг белгиланган қоидаларини бузган фойдаланувчиларга танбеҳ бериш ва огоҳлантириш.

8.2. Ишни бажариш вақтида умумий фойдаланиш учун мўлжалланган ускуна ёки дастурий таъминот ишламай қолса ёки унда носозликлар кузатилса, фойдаланувчилардан иш тўғрисида батафсил ҳисобот талаб қилиш.

8.3. Фойдаланувчига ўртача режалаштирилган даражадан ортиқ ресурслар ёки харажат материалларини ажратиш зарурати туғилганда, у учун тегишлича асос талаб қилиш.

9. Бўлинма ЛХТ тармоқ (ёки тизим) маъмурининг ҳуқуқлари

Бўлинма ЛХТ тармоқ (ёки тизим) маъмури қуйидаги ҳуқуқларга эга:

9.1. Бўлинма ЛХТга уланган компьютерларнинг созлиги, тармоқ дастурларининг тўғри созланганлиги ва зарур бўлганда, текшириш вақтида ШКдан фойдаланишда ишлаш қоидаларига риоя қилинишини текшириш.

9.2. Носозликлар ёки ишлаш қоидаларининг қўпол равишда бузилиши юз берган ҳолатда, компьютер хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, ускунани тармоқдан тезлик билан ўчириш, ишни блокировкалаш ёки эксплуатациядан чиқариш.

9.3. Фавқулодда вазиятларда масъул шахс ёки фойдаланувчи бўлмаганда тармоқ ва умумий фойдаланишга мўлжалланган компьютерларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун олдиндан хабар бермасдан ускунани ўчириш.

9.4. Тизим маъмури умумий фойдаланиш учун мўлжалланган компьютер дискларидан ўйин дастурлари ва компьютер хавфсизлигини бузишга мўлжалланган дастурлар, компьютер вируслари билан зарарланган файллар, мультимедиа файлларини ўз ичига олган файллар ҳамда корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ахборотларни огоҳлантирмасдан ўчириш.

10. Жарима чоралари

10.1. Юқорида келтирилган қоидалардан бири бузилганда компьютер воситаларидан фойдаланиш раҳбар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилиши мумкин.

10.2. Раҳбар қоида етарлича жиддий бузилган ёки уларнинг кўп марта бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаганда, у ишни расман текширишга буйруқ бериш ҳуқуқига эга.

10.3. Тегишли рухсатномасиз компьютер воситаларидан фойдаланган ёки ушбу қоидаларни бузган фойдаланувчидан етказилган зиён ўрнини қоплаш, шунингдек, қуйидагилар ҳам талаб қилиниши мумкин:

10.3.1. Ишлатилган ёки шикастланган ресурслар ўрнини қоплаш.

10.3.2. Ускунани таъмирлаш ёки алмаштириш харажатларини тўлаш.

10.3.3. Тизимнинг иш фаолиятини тиклашга кетган харажатларни тўлаш.

10.3.4. Текшириш учун сарфланган ресурсларни қоплаш.

10.3.5. Ташкилот раҳбари, ўз ихтиёрига кўра, агар вазият тақозо қилса, жарима чораларини бекор қилиши ёки ўзгартириши мумкин.

2-илова

(тавсия этилади)

Дастурий маҳсулотларнинг асосий намунавий рўйхати

№	Дастурий маҳсулотлар	Дастурий маҳсулотлар номи
1.	MS Office дастурлар пакети	Word  Access  Excel  PowerPoint 
2.	Браузерлар	Opera  Internet Explorer 
3.	Матнни таниб олгич	Fine reader  WinDjView  Foxit Reader  Adobe 
4.	Архивловчи дастур	WinRAR 

3-илова

(тавсия этилади)

«Шахсий компьютер паспорти»га бирлашчи пломбалаш тўғрисида киритиладиган ахборот

_____ рақамли
шахсий компьютер
ПАСПОРТИ

Компьютер:

Номи:		Рақами:	
Модель:		Маҳсулот артикули:	
Домен:		IP-адрес:	
1-элемент:		2-элемент:	

Фойдаланувчи:

Ф.И.Ш:		Рақами:	
Электрон поч- та манзили:		Ҳисобга олиш ёзуви:	
Гуруҳ:		Бўлинма:	
Телефон:		Эслатма:	
Инвентарь рақами:		2-элемент:	

Операцион тизим:

Номи:	Серия рақами:

Дастурий таъминот:

Нашр этувчи:	Маҳсулот:	Серия рақами:

Эслатма:

Сана:	Маъмур:	Эгаси:

АТ бўлими ходими:

_____ (имзо) _____ (ҳодимнинг Ф.И.Ш.)

Таркибий бўлинма раҳбари:

_____ (имзо) _____ (ҳодимнинг Ф.И.Ш.)

Ходим:

_____ (имзо) _____ (ҳодимнинг Ф.И.Ш.)

4-илова

(маълумот учун)

«HIMFAYL» тизими ишлашининг тавсифи

«HIMFAYL» — файлларни ҳимояланган ҳолда сақлаш тизими



Файлларнинг махфийлиги (конфиденциаллиги) маълумотларни шифрлаш ва аутентификация қилиш воситаларидан фойдаланиш ёрдамида таъминланади.

Файллардан фойдаланиш, уларни шифрлаш (расшифровка қилиш) ва ЭРИ билан имзолаш 1024 бит узунлигига эга фойдаланувчининг индивидуал калитлари билан амалга оширилади.

Қўллаш соҳаси: «HIMFAYL» тизими шахсий компьютерда ва ташқи элтувчиларда сақланадиган чекланган фойдаланишга эга ахборотни ҳимоялаш учун давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан муваффақиятли қўлланиши мумкин. «HIMFAYL» тизими шахсий компьютерда ёки ташқи элтувчида сақланадиган шахсий ахборотнинг сақланишини таъминлаш учун жисмоний шахслар томонидан қўлланиши мумкин.

Асосий техник-технологик параметрлар: «HIMFAYL» тизими Windows операцион тизимли шахсий компьютерда ўрнатиладиган дастурий таъминотдан иборат. Ўрнатиш дастурий таъминот 1024 бит узунлигига эга фойдаланиш (шифрлаш ва ЭРИ билан имзолаш) калитининг генерацияланишини мустақил таъминлайди. Тизим O'z DSt 1105:2006 «Маълумотларни шифрлаш алгоритми» ва O'z DSt 1092:2005 «Электрон рақамли имзони шакллантириш ва текшириш жараёнлари» миллий стандарти асосида папка ва файлларни ЭРИ билан шифрлаш ҳамда имзолашни таъминлайди. «HIMFAYL» тизими фойдаланувчи учун қулай бўлган сошлаш ва дастурдан фойдаланиш воситаларига эга.

Иқтисодий самарадорлик: «HIMFAYL» тизимидан фойдаланиш фойдаланувчиларга қуйидаги имкониятларни беради:


— маълумотлар ахборот хавфсизлигининг юқори даражасини таъминлаш;

- файлларнинг махфийлиги ва бутунлигини таъминлаш;
- ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш;
- ахборот бутлигининг бузилиши ва йўқотилиши, молиявий зарарларни қисқартириш.

Дастурий маҳсулот импорт ўрнини босувчи маҳсулот ҳисобланади. «HIMFAYL» маҳаллий тизимининг қиймати шунга ўхшаш дастурий маҳсулотлардан анча арзон.


Тизимни ўрнатиш

Тизимни ўрнатиш учун проводникдан **Setup.exe** ўрнатиш файли танланади (1-расм).




1-расм.

Кейин фойдаланувчи ўрнатиш тилини танлаши мумкин (2-расм).




2-расм.

«НІМFAYL» ўрнатиш мастерининг ойнасида Далее (Бундан кейин) тутмаси босилади (3-расм).




3-расм.

Агар сиз «НІМFAYL» файлларни ҳимоялаш тизимидан фойдаланиш учун лицензия шартномасига рози бўлсангиз, у ҳолда **Я выбираю условия лицензионного соглашения (Мен лицензия шартномаси шартларини қабул қиламан)** бандини танланг ва Далее (Бундан кейин) тутмасини босинг (4-расм).




4-расм.

Кейинги босқичда компьютер фойдаланувчиси тўғрисидаги ахборот кўрсатилади, шунингдек, ушбу компьютерда кимнинг «HIMFAYL» тизимидан фойдаланиши мумкинлиги кўрсатилади (5-расм).




5-расм.

Фойдаланувчи ўзининг компютерида «HIMFAYL» нинг ўрнатилиш жойини ўзгартириши мумкин. Ушбу пунктдаги асосий ва захирадаги папкадан ҳимоялаш исталган йўл кўрсатилиши керак (6-расм).




6-расм.

Шундан кейин фойдаланувчи компютерида «HIMFAYL» тизимини ўрнатиш учун охирги ойна пайдо бўлади (7-расм).




7-расм.

Тизим фойдаланувчининг компютерига ўрнатилди ва энди уни ишга тушириш мумкин (8-расм).




8-расм.

«HIMFAYL» тизими Windows операцион тизимининг проводнигига бириктирилади. Бу, ўз навбатида, фойдаланувчининг «HIMFAYL» тизимига ва ҳимоялаш исталган файлларга киришини енгиллаштиради; ҳимояланган файлларни сақлаш папкасига осонликча кўчириш имконини беради. Буни ажратилган файллар ёки папкаларда оддий кўчириш йўли билан бажариш мумкин (9-рasm).



9-рasm.


Оддий проводник орқали кўриб чиқилганда ҳимояланган файлларни сақлаш папкасидаги файллар тўғрисида ҳар қандай ахборотни ўқиб бўлмайди. Бу, ўз навбатида, файлларни кўп-лаб вируслардан ҳимоялаш имконини беради (10-рasm).



10-рasm.

Тизимга кириш

Тизимга кириш учун проводникни ишга тушириш ва «HIMFAYL» иконкасини босиш керак. Ечиб олинadиган диск (**Съемный диск / Removable disk**) майдонида ЭРИ шахсий калитига элтувчи манзил кўрсатилади. Шунингдек, шахсий логин ва пароль кўрсатилади (олдиндан белгиланиши бўйича пароль «0000») (11-расм).



11-расм.


Паролни ўзгартириш

Фойдаланувчи паролини ўзгартириш учун қуйидаги амаллар бажарилади:


1. Проводникда «HIMFAYL» тизимининг иконкаси ўнг тугма билан босилиб, **Мослашлар (Настройки / Preferences)**, **Паролни ўзгартириш (Изменить пароль)** менюлари танланади.
2. Янги ойнада эски ва янги пароль кўрсатилади (12-расм).

Хужжатларни тиклаш

Барча ҳимояланган ҳужжатларни компьютер ёки компьютер тармоғининг ҳимояланган бир нечта жойларида сақлаш мумкин (13-расм).




12-расм.



13-расм.

«HIMFAYL» тизимида шифрланган файллар нусхаларини ташкилотнинг файл серверида сақлаш имконияти бор. Бу кўзда тутилмаган вазиятлар (компьютернинг ишламай қолиши, қаттиқ дискларнинг ишдан чиқиши, ҳимояланган файлли папкаларнинг рухсатсиз ёки тасодифан олиб ташланиши) ҳолатида файлларнинг резерв нусхаларига эга бўлиш имконини беради. Файлларни тиклаш учун «HIMFAYL» иконкасига «сичқонча»нинг ўнг тугмаси босилади ва очилган менюсидан **Мослашлар**, сўнг файлларни тиклаш жойини кўрсатиш керак (14-расм).



Дастлабки файлларни сақлаш жойи уларни сақлашда асосий жой бўлиб, қолган жойлар эса уларни резерв сақлаш жойлари ҳисобланади.



14-расм.

Тизим интерфейсининг тилини ўзгартириш

«HIMFAYL» тизимидан учта тилда фойдаланиш мумкин: ўзбек, рус ва инглиз тиллари. Тизимга киргандан кейин фойдаланувчи ўзи учун қулай бўлган тилни танлаши мумкин. Бунинг учун «HIMFAYL» иконкасига «сичқонча»нинг ўнг тугмасини босиб, очилган менюдан **Мослашлар (Настройки)**, **Интерфейс тили** ва исталган тил танланади (15-расм).



15-расм.

5-илова

(маълумот учун)

ЭРИ КАЛИТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ МАРКАЗИ-НИНГ ЭРИ КАЛИТИ СЕРТИФИКАТИНИ ҚЎЛЛАШ


1. ЭРИ калити сертификати

ЭРИ калитининг электрон кўринишдаги сертификати ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан берилади ёки фойдаланувчининг электрон почта манзилига юборилади.


ЭРИ калити сертификатининг файли *.p7b кенгайтмасига эга, яъни PKCS #7 форматининг файли ITU-T X.509 стандартига мос келади.

Агар ЭРИ ёпиқ калитининг генерацияси ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан ишлаб чиқилган бўлса, унда ЭРИ ёпиқ калити ушбу калит сертификати билан бирга *.pfx ва *.p12 кенгайтмасига, яъни PKCS #12 форматининг файлига эга бўлган битта файлда берилади.

ЭРИ ёпиқ калитининг генерацияси Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази (ФТМТМ)нинг рўйхатга



1-расм.



2-расм.

олиш маркази томонидан RSA алгоритмидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

2. ЭРИ калити сертификати ва ЭРИ ёпиқ калитини импорт қилиш (ўрнатиш)

ЭРИ калитининг сертификати, шунингдек, ЭРИнинг ёпиқ калити компьютерда Windows операцион тизимининг ёпиқ сақланадиган жойида сақланади.

ЭРИ калитининг сертификатини ва ЭРИнинг ёпиқ калитини ўрнатиш учун компьютерда PKCS #7 форматининг файлини (фақат ЭРИ калитининг сертификатини) ёки PKCS #12 форматнинг файлини (ЭРИ калитининг сертификатини ЭРИнинг ёпиқ калити билан бирга) импорт қилиш зарур.

Импорт қилишда фойдаланувчи ёки компьютернинг ҳисоб ёзуви сақланадиган жойга файлдан нусха кўчирилади.

Импорт қилишда бажариладиган ишлар:


1. Ишга тушириш (Пуск) тугмаси босилади, Бошқариш панели (Панель управления) ва Шарҳловчи хусусиятлари (Свойства обозревателя) танланади (1-расм).

2. **Мазмуни (Содержание)** иловасига ўтилади, **Сертификатлар (Сертификаты)** танланади (1-расм).

3. **Сертификатлар (Сертификаты)** сақланадиган ойнадан **Шахсий (Личные)** иловаси танланади. У ерда бериладиган сертификатлар ва улар билан боғлиқ бўлган ёпиқ калитлар мавжуд (2-расм).

4. Сертификатларни импорт қилиш мастерини очиш учун **Импорт** тугмаси босилади (2-расм).

5. **Бундан кейин (Далее)** тугмаси босилади (3-расм) ва импорт қилиш учун сертификатни ўз ичига олган файл номи киритилади (4-расм). (Шунингдек, **Обзор** тугмасини босиб файлни топиш мумкин.)




3-расм.


6. Файл кўрсатилганидан сўнг **Бундан кейин (Далее)** тугмаси босилади.

7. Агар бу PKCS #12 файли бўлса (сертификат ва ЭРИ ёпиқ калитига эга бўлса), қуйидаги ишлар бажарилади (5-расм):


- Ёпиқ калит учун пароль киритилади (ушбу пароль ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан ўрнатилади).



4-рasm.



5-рasm.



6-расм.

— (Шарт эмас) Ёпиқ калитнинг кучайтирилган ҳимоясидан фойдаланиш учун Ёпиқ калитнинг кучайтирилган ҳимоясини ишга тушириш (Включить усиленную защиту закрытого ключа) байроқчаси ўрнатилади.

— (Шарт эмас) Агар келгусида ЭРИ калитини архивлаш ёки бошқа компьютерга кўчириш зарур бўлса, Калитни экспорт қилинувчан қилиб белгилаш (Пометить ключ как экспортируемый) байроқчаси ўрнатилади.

8. Бундан кейин (Далее) тугмаси босилади.

9. Кейин қуйдагилардан бири бажарилади (6-расм):

— Агар Сақланадиган жойни сертификат тури асосида автоматик равишда танлаш (Автоматически выбрать хранилище на основе типа сертификата) танланса, унда сертификат, сертификат тури ҳисобга олинган ҳолда, тегишли сертификатларни сақлаш жойига автоматик тарзда жойланади: (шахсий (личное) — фойдаланувчининг ўзининг ЭРИ калитлари сертификатлари; бошқа фойдаланувчилар (другие пользователи) — бошқа фойдаланувчиларнинг ЭРИ калитлари сертификатлари; оралиқ сертификатлаштириш марказлари (промежуточные центры сертификации) — рўйхатга

олиш маркази ваколатли шахсининг сертификати; **асосий ишончли сертификатлаштириш марказлари (доверенные корневые центры сертификации)** – рўйхатга олиш марказлари рўйхатга олиш органининг сертификати; **ишончга эга бўлмаган ноширлар (издатели не имеющие доверия)** – ишончли бўлмаган рўйхатга олиш марказларининг сертификатлари).


— Сертификат сақланадиган жойни мустақил кўрсатиш учун **Барча сертификатларни қуйидаги сақланадиган жойга жойлаштириш (Поместить все сертификаты в следующее хранилище)** танланади, **Обзор** тугмаси босилади ва сертификатлар сақланадиган жой кўрсатилади.

10. Сертификатларни импорт қилиш мастерининг ишини тугатиш учун **Тайёр (Готово)** тугмаси босилади (7-расм).


Сертификатларни импорт қилиш тугалланганидан сўнг сертификат импорт қилинган файл бутлигича қолади.

3. ЭРИ калитининг сертификати ва ЭРИ калитини экспорт қилиш

ЭРИ калитининг сертификатини экспорт қилиш қуйидагилар учун зарур:



7-расм.



8-расм.

- сертификатни архивлаш;
- сертификат ва у билан боғлиқ ёпиқ калитни архивлаш;
- сертификат ёки унинг ёпиқ калитидан бошқа компьютерда фойдаланиш учун улардан нусха кўчириш;
- сертификат ва унинг ёпиқ калитини бошқа компьютерга ўрнатиш учун уларни компьютердан чиқариб ташлаш.

Экспорт қилишда сертификат ва ЭРИнинг ёпиқ калити сертификатлар сақланадиган жойдан сертификатларни сақлашнинг стандарт форматидан фойдаланувчи файлга кўчирилади.


Экспорт қилишда қуйидагилар амалга оширилади:

1. **Ишга тушириш (Пуск)** тугмаси босилади, **Созлаш, Бошқариш панели (Настройка, Панель управления)** танланади ва **Шарҳловчи хусусиятлари (Свойства обозревателя)** очилади.

2. **Мазмун (Содержание)** иловасига ўтилади ва **Сертификатлар (Сертификаты)** танланади (8-расм).


3. **Сертификатлар (Сертификаты)** ойнасидаги (9-расм) **Шахсий (Личные)** иловасида берилган сертификатлар ва улар билан боғлиқ ёпиқ калитлар мавжуд бўлади.

4. Маълумотлар соҳасида экспорт қилиниши керак бўлган сертификат устига «сичқонча» тугмаси босилади.




9-расм.

5. Экспорт буйруғи танлангач, Бундан кейин (Далее) тугмаси босилади (10-расм).



10-расм.



11-расм.

Агар танланган сертификат ёпиқ калитсиз экспорт қилиниши керак бўлса, қуйидаги икки амал бажарилади:


6. Сертификатларни экспорт қилиш мастерида **Йўқ, ёпиқ калит экспорт қилинмасин (Нет, не экспортировать закрытый ключ)** пункти танланади (11-расм). (Бу имконият фақат ёпиқ калитни импорт қилиш вақтида, у экспорт қилинувчан қилиб белгиланган бўлса ва ёпиқ калитдан фойдаланиш мумкин бўлсагина пайдо бўлади.)

7. Сертификатларни экспорт қилиш мастерида (12-расм) экспорт қилинадиган PKCS #7 сертификатни сақлаш учун файл формати кўрсатилади (фақат ЭРИ калитининг сертификати).


Агар танланган сертификат ёпиқ калит билан бирга экспорт қилиниши керак бўлса, қуйидаги амаллар бажарилади:

8. Сертификатларни экспорт қилиш мастерида **Ҳа, ёпиқ калит экспорт қилинсин (Да, экспортировать закрытый ключ)** пункти танланади (13-расм). (Бу имконият фақат ёпиқ калитни импорт қилиш вақтида у экспорт қилинувчан қилиб белгиланган бўлса, яъни ёпиқ калитдан фойдаланиш мумкин бўлсагина пайдо бўлади.)


9. **Экспорт қилинадиган файлнинг формати (Формат экспортируемого файла)** гуруҳида битта ёки барча кетма-



12-рasm.



13-рasm.



14-расм.

кет ишлар бажарилиши танланади ва **Бундан кейин (Далее)** тугмаси босилади (14-расм).

— Барча сертификатларни сертификатлаштириш йўлига киритиш учун **Иложи борича барча сертификатларни сертификат йўлига киритиш (Включить по возможности все сертификаты в путь сертификата)** байроқчаси ўрнатилади.


— ЭРИ ёпиқ калитнинг кучайтирилган ҳимоясини ёқиш учун **Кучайтирилган ҳимояни ишга тушириш (Включить усиленную защиту)** байроқчаси ўрнатилади. (IE 5.0, NT 4.0 SP4 ва ундан юқорилар талаб қилинади).

— Сақланадиган жойдан ёпиқ калитни чиқариб ташлаш учун экспортдан сўнг **Муваффақиятли экспортдан сўнг ёпиқ калитни йўқ қилиш (Удалить закрытый ключ после удачного экспорта)** байроқчаси ўрнатилиши керак.

10. Экспорт қилинадиган ёпиқ калитни шифрлаш учун **Пароль киритилади. Паролни тасдиқлаш (Подтверждение пароля)** майдонида пароль яна киритилади ва **Бундан кейин (Далее)** тугмаси босилади (15-расм).


11. **Бундан кейин (Далее)** тугмаси босилади ва экспорт қилиш учун файл номи киритилади. (Шунингдек, **Обзор** тугмасини босиб, файлинг жойлашишини кўрсатиш мумкин.)

Файл номи (Имя файла) майдонида (агар сертификат




15-рasm.

ёпиқ калит билан бирга экспорт қилинса) файл номида *.pfx кенгайтмасы кўрсатилади ёки (агар фақат ЭРИ калитининг сертификати экспорт қилинаётган бўлса) *.p7b кенгайтмасы кўрсатилади (16-рasm).



16-рasm.



17-расм.

12. Сертификатларни экспорт қилиш мастерини якунлаш учун **Тайёр (Готово)** тугмаси босилади (17-расм).

Экспорт мастерининг иши якунланганидан сўнг фақат ЭРИ калитининг сертификатини экспорт қилиш керак бўлса, ЭРИ калитининг сертификати сертификатлар сақланадиган жойда қолади. Агар сертификат сақланадиган жойдан чиқариб ташланиши керак бўлса, у ҳолда бу иш қўлда бажарилади.

4. ЭРИ калити сертификати ва ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланиш

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази (ФТМТМ) қошидаги ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ЭРИ калитининг сертификатлари ва генерацияланган ЭРИ ёпиқ калитидан қуйидагиларда фойдаланиш мумкин:

- **Outlook Express** тизимида;
- **Microsoft Outlook** тизимида;
- **Microsoft Office (Word, Excel, Power Point)** иловаларида;
- электрон ҳужжат айланиши тизимлари ва бошқа ахборот тизимларида.

ЭРИ ёпиқ калитидан ҳужжатларни имзолаш учун, ЭРИ калитининг сертификатидан эса ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун фойдаланилади.

4.1. ЭРИ калитининг сертификати ва ЭРИ ёпиқ калитидан Outlook Express тизимида фойдаланиш

ФТМТМ қошидаги ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ЭРИ ёпиқ калитидан Outlook Express да электрон почтаси ахборотларини имзолаш ва ушбу ахборотларни шифрлаш учун фойдаланиш мумкин.


Ахборотни имзолаш ва шифрлашда Outlook Express дастури компьютердан амалдаги сертификат ва у билан боғлиқ ЭРИ ёпиқ калитини қидиришни амалга оширади. Агар амалдаги бир нечта сертификатлар ва у билан боғлиқ ЭРИ ёпиқ калитлари топилган бўлса, фойдаланувчи улардан бирини электрон почтанинг маълум ҳисобга олиш ёзувига бириктириши керак.

Outlook Express ҳисобга олиш ёзуви учун олдиндан белгилаб, фойдаланиладиган сертификатларни кўрсатиш учун:


1. Ишга тушириш > Дастурлар > Outlook Express (Пуск > Программы > Outlook Express) почта дастури ишга туширилади.

2. Сервис (Tools) менюсида Ҳисобга олиш ёзувлари (Учетные записи / Accounts) буйруғи танланади.

3. Почта (Mail) иловасига ўтилади. Электрон почтанинг ҳисобга олиш ёзувлари рўйхатида ЭРИ калитининг сертификатидан фойдаланиш исталган ҳисобга олиш ёзуви танланади ва Хусусиятлар (Свойства / Properties) тугмаси босилади (18-расм).



18-расм.




19-расм.

4. Очилган ойнадан **Хавфсизлик (Безопасность / Security)** иловасига ўтилади. Бу ерда **Танлаш (Выбрать)** тугмасини босиб, имзолаш ва шифрлаш учун сертификатни танлаб олиш мумкин (19-расм).


5. Биринчи, яъни **Имзо сертификати (Сертификат подписи / Signing certificate)** майдони ушбу ҳисобга олиш ёзуви билан жўнатиладиган ахборотларни имзолаш учун фойдаланиладиган сертификатни акс эттиради. Имзолаш учун сертификатни кўрсатиш учун **Танлаш (Выбрать / Select)** босилади. Агар ҳамма босқичлар тўғри бажарилган бўлса, **Сертификат (Certificate)** майдонида сертификатнинг номи чиқади (20-расм).

6. Иккинчи, яъни **Шифрлаш параметрлари (Параметры шифрования / Encrypting preferences)** майдони ахборотларни жўнатишда шифрлаш учун фойдаланиладиган сертификатни акс эттиради. Ахборотни шифрлашда сертификатни кўрсатиш учун **Танлаш (Выбрать / Select)** тугмаси босилади. Агар ҳамма босқичлар тўғри бажарилган бўлса, **Сертификат (Certificate)** майдонида сертификатнинг номи чиқади (21-расм).

7. Ҳисобга олиш ёзувлари (**Учетные записи**) ойнасида ёпиш учун **ОК** тугмаси, сўнгра **Ёпиш (Закрыть)** тугмаси босилади.



20-рasm.



21-рasm.


Outlook Express да ахборотларни имзолаш ва шифрлаш

1. Ишга тушириш > Дастурлар > Outlook Express (Пуск > Программы > Outlook Express) почта дастури ишга туширилади.

2. Ахборот шакллантирилади (Файл / File менюсида Яратиш (Создать / New) буйруғи, сўнгра Почта хабари (Почтовое сообщение / Mail message) буйруғи танланади).

3. Кимга (Кому / To) майдонида қабул қилиб олувчининг электрон почта манзили кўрсатилади. Мавзу (Тема Subject) майдонида ахборот мавзуси ва матн учун мўлжалланган қуйи дарчада эса хабар киритилади.


4. Ахборотни ЭРИда имзолаш учун Сервис (Tools) менюси очилади ва Рақамли имзо (Цифровая подпись / Digitally sign) буйруғи танланади (22-расм).




22-расм.

5. Ахборотни шифрлаш учун Сервис (Tools) менюси очилади ва Шифрлаш (Зашифровать / Encrypt) буйруғи танланади (23-расм).

6. Шундан сўнг ахборотда 24-расмдагидек белгилар акс этади.



23-расм.



24-расм.


7. Имзоланган ва шифрланган ахборотни жўнатиш учун **Файл (File)** менюсидан **Жўнатиш (Отправить / Send)** буйруғи танланади.

Шифрланган ёки ЭРИда имзоланган ахборотни қабул қилиб олиш

Шифрланган ёки ЭРИли ахборотларни бошқа ҳар қандай ахборот каби ўқиш мумкин. Шифрланган ёки имзоланган ахборотни очиш ёки кўриб чиқиш биринчи марта бажарилаётганида **Outlook Express** дастури экранда маълумотни акс эттиради.

Агар ахборот камчиликлари билан олинган (масалан, ахборот сохталаштирилган ёки жўнатувчининг ЭРИ калити сертификатининг амал қилиш муддати тугаган) бўлса, унда хавфсизлик тизимининг огоҳлантириши акс эттирилади (25-расм).

ЭРИда имзоланган ахборотни жўнатишда ЭРИ калитининг сертификати автоматик равишда очиқ калит билан бирга



25-расм.

жўнатилади. Ушбу ЭРИ калитининг сертификати асосида электрон ахборотни қабул қилиб олишда ундаги ЭРИ ҳақиқийлиги текширилади.

Сервис > Параметрлар > Хавфсизлик > Хавфсизликнинг қўшимча параметрлари (Сервис > Параметры > Безопасность > Дополнительные параметры безопасности) кетма-кет амаллари орқали ахборотни жўнатишда автоматик тарзда ЭРИ калитининг сертификатини қўшиб қўйиш мумкин бўлади.

Адресат ЭРИли ахборотни олганида **Outlook Express** дастури адрес дафтарига автоматик равишда жўнатувчининг ЭРИ калити сертификатини қўшади. Ушбу сертификат қабул қилувчининг компютерида сертификатлар сақланадиган **Бошқа фойдаланувчилар (Другие пользователи)** деган жойда сақланади.

Жўнатувчи ва қабул қилиб олувчи шифрланган ахборотлар алмашинувини аввал ўзларининг очиқ калитли сертификатлари билан амалга оширишлари керак. Ушбу ҳолда фойдаланувчи ЭРИ очиқ калити сертификатини манзиллар дафтарига қўлда киритиши керак.


ЭРИ калити сертификатини манзиллар дафтарига қўлда киритиш

1. Ахборот очилади.
2. **Файл** менюсидан **Хусусиятлар (Свойства)** буйруғи танланади.
3. **Хавфсизлик (Безопасность)** иловасидан **Сертификатларни кўриб чиқиш (Просмотр сертификатов)** танланади, сўнгра манзиллар дафтарига қўшиб қўйиш (**Добавить в адресную книгу**) босилади.

Агар контактда сертификат мавжуд бўлса, манзиллар дафтаридаги ёзув қизил лента билан белгиланган бўлади.

Сертификатни бошқа манбадан манзиллар дафтарига қўйиш учун қуйидаги амаллар кетма-кетлиги бажарилади:

1. **Ишга тушириш > Дастурлар > Outlook Express (Пуск > Программы > Outlook Express)** почта дастури ишга туширилади.
2. **Сервис (Tools)** менюсидан **Манзиллар дафтари (Адресная книга)** танланади (26-расм).



26-рasm.

3. Манзиллар дафтарида контакт учун янги ёзув яратилади (**Файл / File**) менюсидан **Контакт яратиш (Создать контакт / New contact)** буйруғи танланади ёки манзиллар дафтаридаги рўйхатда мавжуд ёзув «сичқонча» нинг чап тугмаси билан икки марта босилади.

4. **Сертификатлар (Сертификаты / Digital IDs)** иловасида **Импорт (Import)** танланади (27-рasm).

5. Сертификат файли топилади ва **Открыть** танланади.


4.2. ЭРИ калитидан ва ЭРИ ёпиқ калитидан Microsoft Office Outlook тизимида фойдаланиш

Microsoft Office Outlook ҳисобга олиш ёзуви учун олдиндан белгилаш орқали фойдаланиладиган сертификатларни кўрсатишда:


1. **Ишга тушириш > Дастурлар > Microsoft Office > Microsoft Office Outlook (Пуск > Программы > Microsoft Office > Microsoft Office Outlook)** почта дастури ишга туширилади.

2. **Сервис** менюсида **Параметрлар (Параметры)** буйруғи танланади.

3. **Хавфсизлик (Безопасность)** иловасига ўтилади (28-рasm).



27-расм.



28-расм.


4. Параметрлар (Параметры) тугмаси босилади, Хавфсизликнинг созланишини ўзгартириш (Изменение настройки безопасности) ойнаси очилади (29-расм).

5. Хавфсизликни сошлаш учун номни кўрсатиш зарур. Ном Конфигурация номи (Имя конфигурации) майдонида кўрсатилади (29-расм).

29-расм.


6. Ушбу ойнадан имзо сертификати ва шифрлаш сертификатини танлаш мумкин. Бунинг учун Танлаш (Выбрать) тугмаси босилади. Сертификатни танлаш (Выбор сертификата) ойнаси очилади (30-расм).

7. Ушбу ойнада фойдаланиш мумкин бўлган сертификатлар акс эттирилади. Имзолаш учун сертификат танланади. ОК тугмаси босилганидан сўнг сертификат номи имзо сертификати майдонида акс этади. Агар танланган сертификатдан шифрлаш учун фойдаланиш мумкин бўлса, унда сертификат номи Хавфсизликнинг созланишини ўзгартириш (Изменение настройки безопасности) ойнасидаги Шифрлаш



30-расм.


сертификаты (Сертификат шифрования) майдонида ҳам акс этади (31-расм).



31-расм.

8. Имзолаш ва шифрлаш учун сертификат танланганидан сўнг **ОК** тугмаси босилади (32-расм).

9. **ОК** тугмасини босиб, **Параметрлар (Параметры)** ойнаси ёпилади.




32-расм.

Microsoft Office Outlook да ахборотларни имзолаш ва шифрлаш

1. **Файл > Яратиш > Ахборот (Файл > Создать > Сообщение)** танланади.
2. Ахборотнинг янги ойнаси очилади (33-расм).


❑ Изоҳ:

1. Агар **Параметрлар (Параметры)** ойнасида **Чикувчи хабарлар таркиби ва иловаларини шифрлаш (Шифровать)**



33-расм.

содержимое и вложения исходящих сообщений) ва Рақамли имзони чиқувчи хабарларга қўшиш (Добавлять цифровую подпись к исходящим сообщениям) белгиси қўйилса, унда янги ахборотни яратишда рақамли имзо ва ахборотни шифрлаш автоматик равишда белгиланган бўлади.



34-расм.

2. **Сертификатларни танлаш (Выбор сертификатов)** ойнасида фойдаланиш мумкин бўлган, ёпиқ калитлар билан боғлиқ сертификатлар акс эттирилади.


3. Сертификатдаги электрон почта манзили ва **Outlook Express, Microsoft Office Outlook** электрон почта ҳисобга олиш ёзувларининг манзили бир хил бўлиши керак.

4. Шифрланган ахборотни жўнатиш учун манзиллар дафтарида қабул қилиб олувчиларнинг сертификатлари кўрсатилган бўлиши керак.

ЭРИ калитининг сертификатини манзиллар дафтарига қўлда киритиш

1. **Сервис > Манзиллар дафтари (Сервис > Адресная книга)** очилади (34-расм).


2. **Файл** менюсидан **Яратиш (Создать)** буйруғи, **Контакт** тури танланади. **Контакт** ойнаси очилади (35-расм).



35-расм.

3. **Контакт** тўғрисида керакли ахборот киритилади ва **Сертификатлар (Сертификаты)** иловасига узатилади (36-расм).

4. **Хавфсизлик (Безопасность)** иловасида **Сертификат-**



36-расм.

ларни кўриб чиқиш (Просмотр сертификатов) танланади, сўнгра Манзиллар дафтарига қўшиб қўйиш (Добавить в адресную книгу) босилади.

5. Ушбу иловадаги **Импорт** тугмаси босилади. Мазкур контакт учун сертификат файли топилади ва **Очиш (Открыть)** танланади.

6. Сертификат номи ушбу контакт учун сертификатлар рўйхатида пайдо бўлади.

7. **Сақлаш ва ёпиш (Сохранить и закрыть)** тугмаси босилади.


❑ **Изоҳ:**

Сертификатни ўрнатишда контакт электрон почтасининг манзили ва сертификатдаги электрон почтанинг манзили бир-бирига мос келиши керак.


Шифрланган ёки ЭРИда имзоланган ахборотни олиш

Шифрланган ёки ЭРИли ахборотларни бошқа ҳар қандай ахборот каби ўқиш мумкин. Шифрланган ёки имзоланган ахборотни очиш ёки кўриб чиқиш биринчи марта бажарилаётганида **Microsoft Office Outlook** дастури экранда маълумотларни акс эттиради.

Агар ахборот камчиликлари билан олинган (масалан, ахборот сохталаштирилган ёки жўнатувчининг ЭРИ калити



37-расм.




38-расм.

сертификатининг амал қилиш муддати тугаган) бўлса, унда хавфсизлик тизимининг огоҳлантириши акс эттирилади.

Агар олинган ахборот имзоланган ёки шифрланган бўлса, ахборотни кўриб чиқишда 37-расмдагидек белгилар акс эттирилади.

Агар шифрланган ахборот белгиси устига босилса, унда Ахборот хавфсизлиги хусусиятлари (Свойства безопасности сообщения) ойнаси акс эттирилади (38-расм).




39-расм.

Агар **Рақамли имзо (Цифровая подпись)** белгиси устига босилса, 39-расмдагидек ойна акс эттирилади.


4.3. Microsoft Office (Word, Excel, PowerPoint) тизимида ЭРИ калитининг сертификатидан ва ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланиш

Хужжатларни **Word, Excel, PowerPoint** да имзолаш учун куйидагиларни амалга ошириш зарур:

1. **Сервис** менюсидан **Параметрлар (Параметры)** буйруғи танланади, сўнгра эса, **Хавфсизлик (Безопасность)** иловаси очилади.



40-расм.



41-рasm.

2. **Рақамли имзолар (Цифровые подписи)** тугмаси босилади. **Рақамли имзо (Цифровая подпись)** ойнаси очилади (40-рasm).

3. **Қўшиш (Добавить)** тугмаси босилади. **Сертификатни танлаш (Выбор сертификата)** ойнаси очилади (41-рasm).

Изоҳ:

Агар **Қўшилган имзоларга сертификатларни бириктириш (Присоединять сертификаты к добавленным подписям)** белгиланса, унда имзоланган ҳужжат жўнатилаётганида у билан бирга сертификат ҳам юборилади.



42-рasm.

Рақамли имзо белгиси

4. Керакли сертификат танланади, сўнгра **ОК** тугмаси босилади.

Яна **ОК** тугмаси босилади, ундан сўнг ҳужжат имзоланади (42-рasm).

Ҳужжат қабул қилинаётган вақтда, файл очилганидан кейин, ойнанинг юқори томонида файлнинг номи ёнида **Имзоланди (Подписано)** матни пайдо бўлади. Ойнанинг пастки қисмида рақамли имзо белгиси пайдо бўлади.

6-илова

«UNICON.UZ» ФТМТМ ДУК электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказининг хизматларини кўрсатиш учун

_____- сон ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри 201_йил «____» _____

(Низом) асосида иш юритувчи (ташкилот номи) номидан (масъул шахснинг Ф.И.О.), кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб номланади, бир томондан ва Низом асосида иш юритувчи «UNICON.UZ» Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ДУК номидан директор А.Н. Файзуллаев, кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб номланади, иккинчи томондан, кейинги ўринларда «Томонлар» деб номланади, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида тузишди:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага кўра Бажарувчи Буюртмачига, бундан кейин «Электрон рақамли имзо ёпиқ калитлари эгалари», Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказининг, бундан кейин Рўйхатга олиш маркази, қуйидаги хизматларини кўрсатади:

1.1.1. Сертификат бериш учун электрон рақамли имзо (ЭРИ)нинг очиқ ва ёпиқ калитини тайёрлаш.

Калит жуфтликларининг сони — _____ (_____).

1.1.2. ЭРИ калити сертификатини Буюртмачининг ЭРИ ёпиқ калитлари эгаларига бериш.

Сертификатлар _____ тилида.

ЭРИ калитлари сертификатларининг сони — _____ (_____).

1.1.3. ЭРИдан фойдаланиш қоидаларига ўқитиш.

Ўқувчилар сони — _____ (_____).

Буюртмачи томонидан белгиланган хизматлар Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази томонидан ушбу Шартноманинг тегишли моддаларида белгиланган шартларга мувофиқ кўрсатилади.

1.1.4. ЭРИ калитлари сертификатларини беришда Буюртмачининг талабига кўра ушбу Шартнома доирасида

Бажарувчи томонидан қуйидаги қўшимча хизматлар кўрсатилади:

- ЭРИ калити сертификатига ўзгартиш киритиш;
- ЭРИ калитлари сертификатларини қайта тайёрлаш ва қайта расмийлаштириш;
- ЭРИ калити сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш (икки мартадан кўп эмас).

Буюртмачининг ЭРИ ёпиқ калитлари эгаларига ЭРИ нинг қўшимча калитлари ва калитлар сертификатларини бериш.

1.1.5. Буюртмачининг аризаси асосида Бажарувчиларга қуйидаги бепул хизматлар кўрсатилади:

- ЭРИ калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ва қайта тиклаш;
- ЭРИ калити сертификатини бекор қилиш, агар сертификатнинг амал қилиш муддати тугамаган бўлса.

1.2. Буюртмачи ва ЭРИ ёпиқ калитларининг эгалари ушбу Шартномада белгиланган қоидалар ва талабларга риоя қилиш мажбуриятларини ўзларига оладилар.

2. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

2.1. ЭРИнинг очик ва ёпиқ калитини тайёрлаш

2.1.1. Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази ЭРИнинг очик ва ёпиқ калитларини (ЭРИ калитлар жуфтини) ушбу Шартноманинг 1.1.1-бандида кўрсатилган миқдорда тайёрлайди.

2.1.2. ЭРИнинг очик ва ёпиқ калитлари Буюртмачи ушбу хизмат тўлови бўйича барча мажбуриятларни бажарганидан сўнг Буюртмачининг ваколатли вакилига ахборот ташувчи курилмада берилади.

2.1.3. Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази ЭРИ ёпиқ калитларининг Буюртмачиси ва Эгаларига улар учун генерация қилинган ЭРИ ёпиқ калитлари Бажарувчида сақланмаслигини кафолатлайдилар.

2.2. ЭРИ калитининг сертификатини бериш

2.2.1. Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази ЭРИ ёпиқ калитлари эгаларининг ЭРИ калитлари сертификатларини ЭРИнинг ҳар бир рўйхатга олинадиган калити учун ушбу шартноманинг 1.1.2-бандида кўрсатилган миқдорда беради.

2.2.2. ЭРИ ҳар бир калитининг амал қилиш муддати 12 ойдан кўп эмас.

2.2.3. ЭРИ калитларининг сертификатлари электрон шаклда ва Бажарувчи Рўйхатга олиш марказининг махсус бланкида қоғоз ҳужжат кўринишида берилади.

2.2.4. ЭРИ калитларининг сертификатлари Буюртмачи томонидан ЭРИ калитлари сертификатларини бериш учун ариза ва ҳужжатлар берилган вақтдан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кўп бўлмаган муддатда Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази томонидан тайёрланади.

2.2.5. ЭРИ калитларининг сертификатларини Буюртмачига бериш ушбу хизмат тўловлари бўйича мажбуриятларни бажарганидан сўнг амалга оширилади.

2.3. ЭРИ калитидан фойдаланиш қоидаларига ўргатиш

2.3.1. Бажарувчи Буюртмачининг ушбу Шартноманинг 1.1.3-бандида кўрсатилган миқдордаги фойдаланувчиларини ўқитишни амалга оширади.

2.3.2. Ўқитиш Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази томонидан белгиланган ўқитиш дастурига мувофиқ амалга оширилади. Ўқитиш Рўйхатга олиш марказининг мутахассислари томонидан амалга оширилади.

2.3.3. Ўқитиш натижалари бўйича ҳар бир фойдаланувчи қуйидагиларни билиши керак:

— ЭРИ ёпиқ калитидан ўзининг компютерида фойдаланиш;

— электрон ҳужжатларни ўз ЭРИ билан имзолаш;

— электрон ҳужжатлардаги ЭРИнинг ҳақиқийлигини аниқлаш;

— рўйхатга олиш маркази ЭРИ калитларининг қайтариб олинган сертификатлари реестри ва рўйхатидан фойдаланиш.

2.3.4. Ўқитиш Буюртмачи ушбу хизматнинг тўлови бўйича барча мажбуриятларни бажарганидан сўнг амалга оширилади.

2.4. ЭРИ калитининг сертификатига ўзгартиш киритиш

2.4.1. Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази Буюртмачининг сертификатга ўзгартиш киритиш тўғрисидаги аризаси келиб тушган вақтдан бошлаб 3 (уч) иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ЭРИ калитининг сертификатига электрон ҳужжат кўринишида ва бланкда қоғоз ҳужжат кўринишида ўзгартиш киритади.

2.4.2. ЭРИ калитининг ўзгартишлар киритилган янги сертификатини бериш Буюртмачи ушбу хизматнинг тўлови

бўйича барча мажбуриятларни бажарганидан сўнг амалга оширилади.

2.5. ЭРИ калити сертификатининг муддатини узайтириш

2.5.1. Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази ЭРИ калити сертификатининг амал қилиш муддатини Буюртмачининг сертификатни амал қилиш муддатини узайтириш учун аризаси келиб тушган вақтдан бошлаб 3 (уч) иш кунидан кўп бўлмаган муддатда узайтиради.

2.5.2. ЭРИ калити сертификатининг амал қилиш муддатини узайтиришда ЭРИ калитининг янги сертификати электрон ҳужжат кўринишида ва бланкда қоғоз ҳужжат кўринишида берилади. ЭРИ калитининг сертификати навбатдаги муддат — 12 ойга узайтирилади. ЭРИ калитининг сертификати икки мартадан кўп узайтирилиши мумкин эмас. Ундан сўнг ЭРИ калитлари ва ЭРИ калитларининг сертификатлари қайта тайёрланади ва қайта расмийлаштирилади.

2.5.3. ЭРИ калити сертификатининг амал қилиш муддати Буюртмачи ушбу хизматнинг тўлови бўйича барча мажбуриятларни бажарганидан сўнг узайтирилади.

2.6. ЭРИ калитининг сертификатини қайта тайёрлаш ва қайта расмийлаштириш

2.6.1. Буюртмачининг талаби бўйича Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази калитларни Буюртмачининг аризаси келиб тушган вақтдан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кўп бўлмаган муддатда қайта тайёрлайди ва ЭРИ калитларининг сертификатларини қайта расмийлаштиради.

2.6.2. Аввал берилган ЭРИ калитлари ва калитларнинг сертификатлари ўрнига, жумладан, Буюртмачининг ЭРИ ёпиқ калитлари эгаларига янги ЭРИ калитлари ва калитларнинг сертификатлари берилади. Бунда аввал берилган ЭРИ калитларининг сертификатлари бекор қилинади.

2.6.3. ЭРИ калитларини ва калитлар сертификатларини қайта тайёрлаш ва қайта расмийлаштириш Буюртмачи ушбу хизматнинг тўлови бўйича барча мажбуриятларни бажарганидан сўнг амалга оширилади.

2.7. ЭРИ қўшимча калитлари ва калитлар сертификатларини бериш

2.7.1. Буюртмачининг талаби бўйича, ушбу Шартнома доирасида, Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази Буюртмачининг ЭРИ ёпиқ калитлари эгаларига ЭРИ калитлари

ва калитлар сертификатларининг қўшимча сонини бериши мумкин. Зарурат туғилганда ушбу Шартномага тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади.

2.7.2. ЭРИ қўшимча калитларини тайёрлаш ва ЭРИ калитларининг янги сертификатларини бериш Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази томонидан Буюртмачининг аризаси келиб тушган вақтдан бошлаб ва Буюртмачи ушбу хизмат тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятларни бажарганидан сўнг 5 (беш) иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

3. ХИЗМАТЛАР НАРХИ ВА УЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу Шартномага мувофиқ кўрсатиладиган пуллик хизматлар учун тўловларни Буюртмачи Бажарувчига ушбу хизматларни кўрсатиш вақтида амалдаги тарифларга мувофиқ тўлайди.

3.2. Хизматлар тўловларини Буюртмачи олдиндан 100% қўринишда амалга оширади. Бажарувчи Буюртмачининг талаби бўйича олдиндан тўлаш учун ҳисоб чиқариб беришга мажбур.

3.3. Тўлов пул маблағларини Бажарувчининг ҳисобига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.4. Бажарувчи Буюртмачига ҳисоб-фактураси ва кўрсатилган хизматлар учун далолатнома беради. Буюртмачи хизмат кўрсатилган кундан бошлаб, 5 (беш) иш куни мобайнида Бажарувчига имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномасини ёки сабаби кўрсатилган рад жавобини йўллашга мажбур. Буюртмачи сабабини кўрсатиб рад жавобини берган ҳолда, Томонлар охирига етказилиши керак бўлган камчиликлар ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилган рўйхат илова қилинган далолатномани тузадилар. Барча келишилган камчиликлар Бажарувчи томонидан ўз ҳисобидан ва ўз кучи билан амалга оширилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Буюртмачининг ЭРИ ёпиқ калитлари эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— генерацияланган ЭРИ ёпиқ калитидан электрон ҳужжатларни имзолаш учун ёки ЭРИ ушбу калити сертификатининг тегишли соҳаларида белгиланган бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкин;

— ЭРИ калитларининг сертификатлари реестридан ва Бажарувчи Рўйхатга олиш марказининг ЭРИ калитлари қайтариб олинган сертификатларидан эркин фойдалана олиш;

— Бажарувчи Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг ЭРИ калити сертификатини олиш ва Бажарувчи Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг ЭРИни у тайёрлайдиган ЭРИ калитларининг сертификатларида текшириш учун қўллаш;

— Бажарувчи Рўйхатга олиш марказининг ЭРИ калитлари сертификатлари реестридаги мавжуд ЭРИ калити сертификатининг нусхасини электрон шаклда олиш;

— ЭРИ калити сертификатида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ ЭРИни текшириш учун ЭРИ калитлари сертификатларининг нусхаларини электрон шаклда қўллаш;

— ЭРИ калитлари сертификатларининг ҳолатини текшириш учун Бажарувчининг Рўйхатга олиш марказида тайёрланган ЭРИ калитларининг қайтариб олинган сертификатлари рўйхатини қўллаш.

4.2. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— Буюртмачининг ЭРИ ёпиқ калитлари эгаларига берилган ЭРИ калитлари сертификатларининг амал қилиш муддатини узайтириш (қайта расмийлаштириш) учун ЭРИ калитлари сертификатларининг амал қилиш муддати тугашидан икки ҳафта аввал кечикмасдан сўровнома юбориш;

— Буюртмачининг ЭРИ ёпиқ калитлари эгаларига берилган ЭРИ калитлари сертификатларини тўхтатиш, амал қилиш муддатини янгилаш ёки бекор қилиш учун Бажарувчининг Рўйхатга олиш марказига мурожаат қилиш;

— электрон ҳужжатдаги ЭРИнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун Бажарувчининг Рўйхатга олиш марказига мурожаат қилиш.

4.3. Буюртмачининг ЭРИ ёпиқ калитлари эгалари қуйидагиларга мажбур:

— ЭРИ ёпиқ калитини сир сақлаш, унинг йўқолиши, фош этилиши, ўзгартирилиши ёки ундан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриш;

— агар ушбу калитлардан ҳозир фойдаланилаётганлиги ёки аввал бошқа шахслар томонидан фойдаланилганлиги маълум бўлса, ЭРИ ёпиқ калитларидан фойдаланмаслик;

— ЭРИ очиқ калитларидан фойдаланишда ушбу ЭРИ

калитларининг эгалари тўғрисидаги шахсий маълумотлар ҳимоясини таъминлаш;

— ЭРИдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бериш.

4.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

— ЭРИ калитининг сертификатини бериш, унга ўзгартириш киритиш ёки қайта расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳажмда рўйхатга олинган ва идентификация қилинган ахборотни тақдим этиш;

— ЭРИ калитининг сертификатини бериш, унга ўзгартириш киритиш тақдим этиладиган ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш;

— Бажарувчининг Рўйхатга олиш марказини ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланиш режимининг бузилиши ёки бузилиши мумкинлиги (калитга ишончни йўқотиш) тўғрисида дарҳол хабардор қилиш ва ЭРИ калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилишни талаб қилиш;

— Бажарувчининг Рўйхатга олиш марказига ЭРИ калити сертификатига киритилган маълумотларнинг ўзгарганлиги, жумладан, Буюртмачининг қайта ташкил этилганлиги ёки йўқ қилинганлиги тўғрисида хабар бериш ва аввал берилган ЭРИ калитининг сертификатига ўзгартиш киритилишини талаб қилиш;

— Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази хизматларининг тўловини ушбу Шартноманинг 3-моддасига мувофиқ амалга ошириш.

4.5. Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— ЭРИ калитининг сертификатини бериш учун Буюртмачи ариза ва ҳужжатларни тақдим этмаганда ёки Бажарувчи Рўйхатга олиш марказининг талабларига мувофиқ тўлиқ ҳажмда тақдим этмаганда ЭРИ калити сертификатини рўйхатга олмаслик ва бермаслик;

— ЭРИ калити сертификатининг белгиланган амал қилиш муддати тугаган бўлса, ЭРИ калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилишда Буюртмачига рад жавобини бериш;

— ёпиқ калитга бўлган ишончнинг йўқолганлиги аниқланганда Буюртмачини хабардор қилган ва асосли сабабларни кўрсатган ҳолда ЭРИ калитининг сертификатини бекор қилиш.

4.6. Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази қуйидагиларга мажбур:

— Буюртмачининг талаби бўйича Бажарувчи Рўйхатга олиш марказининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини унга тақдим этиш;

— Буюртмачи ЭРИ ёпиқ калитлари эгаларини Бажарувчи Рўйхатга олиш марказининг хизматларидан фойдаланиш қоидалари ва тартиби тўғрисидаги зарур ахборот, шунингдек, ушбу хизматларга белгиланган тарифлардан фойдаланиш билан таъминлаш;

— Бажарувчининг Рўйхатга олиш марказига ЭРИ калити сертификатининг берилиши сабабли ЭРИ ёпиқ калитлари эгаларининг маълум бўлган шахсий маълумотларини ошкор этмаслик ва тақдим этмаслик;

— Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг ЭРИ ёпиқ калитидан фақат берилган ЭРИ калити сертификати ва қайтариб олинган сертификатларни имзолаш учун фойдаланиш;

— Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг ЭРИ ёпиқ калитини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

— ЭРИ ёпиқ калитлари эгаларининг конфиденциал ахборотини ошкор қилмаслик, тайёрладиган ЭРИ калити сертификатига киритиладиган ахборот бундан мустасно;

— тайёрладиган ЭРИ калити сертификати рўйхатга олиш (серияли) рақамининг ягоналигини таъминлаш;

— тайёрланган ЭРИ калити сертификатидаги очик калитнинг қийматлари яккалигини таъминлаш;

— Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази ЭРИ калитлари сертификатлари реестрининг тўлиқ URL — Интернет манзилини ЭРИ калитининг яратиладиган сертификатига улаш;

— берилган ЭРИ калитининг сертификатини Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази ЭРИ калитлари сертификатлари реестрига киритиш;

— ЭРИ калитлари сертификатларининг реестри ва Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази ЭРИ калитлари сертификатларининг қайтариб олинган рўйхатидан эркин фойдаланишни тақдим этиш;

— ЭРИ калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, қайта тиклаш ёки бекор қилиш сабабли ўзгариш-

ларни ЭРИ калитларининг сертификатлари реестрига ўз вақтида киритиш;

— Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази реестридан ЭРИ калити сертификатининг нусхасини электрон шаклда бериш;

— ЭРИ калити сертификатининг амал қилиш муддати-ни тўхтатиш ва қайта тиклаш, шунингдек, Буюртмачининг ёзма аризасига биноан уни бекор қилиш;

— Бажарувчининг Рўйхатга олиш марказига маълум бўлган ва ЭРИ калити сертификатидан навбатдаги фойдаланиш имкониятига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўладиган фактлар тўғрисида Буюртмачини хабардор қилиш;

— ЭРИ калити сертификатидан фойдаланиш ва эгасининг мажбуриятлари бўйича тушунтиришлар бериш.

